

ҚАЛЪАЙИ ЗАҲҲОКИ МОРОН – ЖАНУБИЙ СУҒДАГИ КЎЧМАНЧИЛАР ШАҲРИ

© 2024. Абдисабур Раимкулов

Я. Фуломов номидаги Самарқанд археология институти

Калит сўзлар: Қалъайи Зоҳҳаки Морон, юечжилар, Жанубий Суғд, пойтахт, Қарши, Занжир Сарой, кўчманчи шаҳарлар.

Мақолада Жанубий Суғд (Қашқадарё воҳаси) худудида жойлашган Қалъайи Зоҳҳаки Морон, Қарши қалъаси ва Занжир Сарой ёдгорликлари қадимий кўчманчилар шаҳарлари сифатида кўриб чиқилади. Қалъайи Зоҳҳаки Морон квадрат шаклдаги йирик ёдгорлик бўлиб томонлари 1,5 x 1,5 км бўлган ташки девор билан ўраб олинган. Унинг ичида томонлари 400 x 400 м бўлган иккинчи мудофаа девори, бу мудофаа деворининг ичида эса томонлари 200 x 200 м бўлган биринчи мудофаа девори мавжуд. Уларнинг ўртасида арк – сарой жойлашган. Муаллифнинг фикрича, Қалаи Зоҳҳаки Морон мил.авв. II асрда юечжиларнинг пойтахт шаҳри сифатида бунёд этилган. Кейинчалик бу пойтахт Пешаворга кўчирилган. 1318–1326 йиллар оралиғида Қарши қалъаси (630 x 630 м) бунёд этилган. У ҳам квадрат шаклида бўлиб, ўртасида сарой жойлашган. Чигатой улуси даврида бу шаҳар пойтахт мақомида фаолият кўрсатган. 1334–1340 йиллар оралиғида яна бир шаҳар – Занжир Сарой (400 x 400 м) қурилган. Унинг ҳам марказида сарой мавжуд. Қалъайи Зоҳҳаки Морон, Қарши ва Занжир Сарой Ўрта Осиёнинг ноёб кўчманчилар шаҳарлари бўлиб, улар фақат Қашқадарё воҳаси худудида сақланиб қолган.

КАЛАИ ЗОХҲАКИ МОРОН – КОЧЕВНИЧЕСКИЙ ГОРОД В ЮЖНОМ СОГДЕ


© 2024. Абдисабур Раимкулов

Самарқандский Институт археологии им. Я. Гулямова

Ключевые слова: Калаи Зоҳҳаки Морон, юэчжи, Южный Согд, столица, Қарши, Занжир Сарой, кочевнические города.

В статье рассматриваются городище Калаи Зоҳҳаки Морон, крепость Қарши и городище Занжир Сарой, расположенные на территории Южного Согда (Кашқадарьинской оазис) в качестве кочевнических городов. Калаи Зоҳҳаки Морон является крупным памятником квадратной планировки, окруженной внешней стеной 1,5 x 1,5 км; вторая стена 400 x 400 м, внутри расположена первая стена 200 x 200 м, и в самом центре находился дворец. По нашему мнению, Калаи Зоҳҳаки Морон построен во II в. до н.э. в качестве столичного города юэчжи. Позже столица перенесена в Пешавар. В период Чагатайского государства в 1318–1326 гг. на территории Кашқадарьинской области был построен город Қарши (630 x 630 м), в центре находился дворец. В Чагатайский период город функционировал в качестве столицы. Между 1334 и 1340 гг. в Кашқадарьинском оазисе был построен еще один город – Занжир Сарай (400 x 400 м), в центре находился дворец. Калаи Зоҳҳаки Морон, Қарши и Занжир Сарай являются уникальными кочевническими городами Средней Азии, которые сохранились только на территории Кашқадарьинского оазиса.

Ҳозирги Қарши шаҳрининг жанубий қисмида, шаҳарнинг марказий кўчасидан темирйўл вокзалига етмасдан чап томонда жойлашган бозорнинг орқа тарафида, маҳаллалар орасида маҳобатли, баланд тепалик қад ростлаб турибди. Бу тепалик халқ орасида Қалъайи Зоҳҳаки Морон, яъни мазмунан “Илонлар подшоси Зоҳҳакни қалъаси”, деб аталади. Аслида бу те-



1-расм. Қалъайи Зоҳҳаки Морон. Топографик тарх
(Массон М.Е. 1973: 24)

Рис. 1. Калаи Зоҳҳаки Морон. Топографический план
(Массон М.Е. 1973: 24)

Figure 1. Kalai Zokhaki Moron. Topographical plan
(Masson M.E. 1973: 24)

палик улкан археологик ёдгорлик, қадимий бир шаҳарнинг қолдиқлари бўлиб, унинг афсоналардаги подшоҳ Заҳҳокга ҳеч қандай алоқаси йўқ, бу шаҳарнинг қадимги асл номи нима бўлган, унинг қолдиқлари қачондан бошлаб Қалъайи Зоҳҳаки Морон, деб атала бошлаган, бу номаълум.

Золим Зоҳҳак шоҳ тўғрисидаги ривоятлар, асотирлар ота-боболаримизга қадимдан маълум бўлган. Даставвал бу каби эртақлар, афсоналар қадимданок бир-бирлари билан савдо, иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлиб келган Эрон ва Турон халқларининг оғзаки ижоди намуналари бўлиб, улар кейинчалик улуғ шоир Абулқосим Фирдавсий томонидан бадиий изга солиниб, унинг машҳур “Шоҳнома асарида талкин қилинган (Фирдавсий 2018: 49–86). Ҳам халқ оғзаки ижоди, ҳам “Шоҳнома” таъсирида бўлган ажодларимиз подшоҳ Зоҳҳак мана шу қадимий қалъада яшаган, деган

ривоятларга албатта ишонганлар ва ушбу қадимий қалъа харобаларини елкаларидан одамхўр илонлар ўсиб чиққан шоҳнинг қароргоҳи, деб ҳисоблаганлар.

Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарида айтилишича, қадим замонларда одамлар дастлаб фақат ўсимликлар истеъмол қилганлар, кейинчалик ёвузлик худоси Аҳриман ошпаз кўринишида намоён бўлиб, Зоҳҳакни аста-секин гўшт ейишга ўргатган. У биринчи куни Зоҳҳакни тухум ва тухум сариғи билан тўйдирган. Унга бу овқат ёққанидан кейин у куш овлаб едирган ва учинчи куни кўзичоқ гўшти ва тўртинчи куни эса хўкиз гўшти билан меҳмон қилган. Бундан хурсанд бўлган Зоҳҳак уни мукофотламоқчи бўлганида, Аҳриман унинг пинжига қаттиқ ёпишиб олган ва шу маҳалда Зоҳҳакнинг икки елкасидан биланлаганича, вишиллаб иккита илон ўсиб чиққан ва унинг ўзига ҳамла қила бошлаган. Зоҳҳак бу илонлардан қандай қутилишни билмай турганида, Аҳриман табиб кўринишига кириб, унга бу илонларни фақат одамзод мияси билан боқиш мумкинлигини маслаҳат беради.

Ўша даврда Эрон халқи мустабид ва золим подшоҳ Жамшиднинг зулмидан норози бўлиб, унинг ўрнига Зоҳҳакни шоҳ қилиб кўтардилар. Жамшидни эса арралаб ўлдирадилар. Зоҳҳак тахтга чиққанидан кейин Жамшиднинг иккита синглисини тарбия қила бошлайди ва қизлар воёга етганлирида уларга уйланади. Унинг золимона, мустабид подшолиги минг йил давом этади.

Подшонинг буйруғи билан ҳар куни иккита ёш йигит ёки қиз ўлдирилиб, уларнинг миясидан илонларга овқат тайёрланарди. Мана шу даврда Армоил ва Кармоил деган иккита донишманд қурбонлик қилинаётган ёшларнинг биттасини бўлса ҳам қутқариб қолиш мақсадида подшоҳ саройига ошпаз бўлиб ишга кирадилар ва ўлдирилиши лозим бўлган битта ёш йигит ёки қизнинг мияси ўрнига қўй миясини қўшиб овқат пиширадилар. Қутқарилганларни эса тоғу-тошларга жўнатиб юборадилар ва улардан курд халқи пайдо бўлади.

Бир куни тунда Зоҳҳак туш кўради, тушига уч ака-ука киради, кенжасининг қўлида сигир боши кўринишида ясалган катта гурзи бор эди. У мобадлардан тушини таъбирини топишни талаб қилади. Мобадлар подшоҳнинг бу тушини Фаридун исмли алп йигитни дунёга келиши ва Зоҳҳакни ҳалок қилишини башорат қиладилар. Зоҳҳак Фаридунни гўдаклигидаёқ ўлдиришга кўп йил давомида роса ҳаракат қилади, лекин ҳар сафар нимадир бунга халақит берарди.

Бир куни Зоҳҳак мобадлар олдида нутқ сўзлади ва қўшин тўпламоқчи эканлигини билдирди. Шунда темирчи Кава подшоҳдан тирик қолган ёлғиз ўғлини жангга юбормасликни илтимос қилиб сўради, чунки унинг ўн еттита ўғли қурбонлик қилиниб, уларнинг мияси Зоҳҳакнинг илонларига берилган эди. Ўғли қутқарилгандан кейин Кава халқни тўплаб подшоҳга қарши исён кўтаради, Зоҳҳак эса исённи бостира олмасдан яширинишга мажбур бўлади.

Фаридун қўшини билан Зоҳҳакнинг пойтахти Иеруссалимни эгаллайди, Зоҳҳак эса Ҳиндистонга қочади. Кейинроқ Зоҳҳак яна қайтиб ўз пойтахтини эгаллайди ва саройга бориб Фаридун билан яккама-якка жангга киради. Фаридун улкан гурзиси билан унинг дубулғасини иккига бўлиб ташлайди. Бунда ҳам ўлмаган Зоҳҳакни тубсиз жар устидаги улкан тош қояга қоқиб ташлайдилар ва у мана алфозда типирчилаб-типирчилаб, ғоятда азобли ўлим топади.

Қарши воҳасидаги бу улкан қадимий тепаликни Қалъайи Заҳҳоки Морон, яъни илонли Зоҳҳак қалъаси деб номланишига балки Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида тилга олинган воқеалар сабаб бўлган, ёки бизнинг олис ота-боболаримиз “Шоҳнома”дан аввал ҳам Зоҳҳак тўғрисидаги ривоятдан хабардор бўлганлар.

Қалъайи Заҳҳоки Мороннинг ёдгорлик сифатидаги маҳобати, улкан мудофаа деворларининг қолдиқлари бу ҳудудга ташриф буюрган олимларда катта қизиқиш уйғотган. Ёдгорлик тўғрисидаги илк маълумотларни фанга таниқли ўлкашунос И. А. Кастанье томонидан кiritилган ва 1916 йилда илк бора шарқшунос-археолог Л. А. Зимин томонидан ўрганилган. Лекин Л. А. Зимин ёдгорликни темурийлар даврига оид деб хато фикрга келган (Зимин 1927: 197–214). 1966 йилда М. Е. Массон бошчилигидаги Тошкент давлат университети тарих факультети “Ўрта Осиё археологияси” кафедрасининг Кеш археологик топографик экспедицияси (КАТЭ) олимлари томонидан тадқиқ этилган. Археологик қидирувлар даврида ёдгорликнинг нураган, бузилган жойларида кенг қамровли тозалаш ишлари олиб борилган. Ёш олимлар Б. Д. Кочнев ва Г. Я. Дресвянская томонидан эса ёдгорликнинг топографик тархи қоғозга туширилган (1-расм) (Массон 1973: 23). М. Е. Массон ушбу тепаликнинг қадимги Нахшаб шаҳрининг қолдиқлари, деб ҳисоблаган. Лекин, бу фикрга деярли биронта олим қўшилмаган.

М. Е. Массоннинг маълумотида кўра, Қалъайи Заҳҳоки Морон ёдгорлиги қадимий шаҳар харобалари бўлиб, у квадрат шаклда, уч қаторли маҳобатли мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ёдгорликнинг марказида қуйи қисмининг томонлари 100 x 90 м, устки қисми 60 x 60 м, баландлиги 15 м бўлган улкан арк-сарой жойлашган. Арк атрофи томонлари 200 x 200 м (4 га) биринчи қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Биринчи мудофаа деворининг қолдиқлари баландлиги 8–9 м, кенглиги 17–20 м бўлган тупроқ кўтармаси (вал) шаклида сақланиб қолган. Ундан ташқаридаги иккинчи қатор мудофаа деворлари эса 400 x 400 м (16 га) майдонни ўраб олган. Бу деворнинг қолдиқлари ҳам биринчи девор каби баландлиги 8–9 м, кенглиги 17–20 м бўлган тупроқ кўтармаси (вал) шаклида қад кўтарган. Майдони 16 гектар бўлган ушбу маҳобатли қалъа ва унинг атрофидаги кенг текис майдон томонлари 1,5 x 1,5 км бўлган учинчи қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. М. Е. Массоннинг фикрига кўра, квадрат тархга эга бу улкан шаҳарнинг майдони 225 га, ва у антик дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлган.

Лекин бошқа бир археолог олим, Қашқадарё воҳасида узоқ йиллар давомида тадқиқотлар олиб борган С. К. Кабанов М.Е. Массоннинг фикрларга қўшилмаган ва ташқи учинчи мудофаа деворининг мавжудлигига шубҳа билан қараган. Бу олимнинг фикрига кўра, шаҳар то-

монлари 400 x 400 м (16 га) майдонни эгаллаган мудофаа деворлари ичида фаолият кўрсатган (Кабанов 1953: 201–207; ўша муаллиф, 1977: 136). Кейинчалик франциялик олим П. Лериш С. К. Кабановнинг фикрига хайрхоҳ бўлган (Лериш 1987: 68–72). Лекин М. Е. Массоннинг шохидлик беришича, бу ҳудудда Бухоро темир йўли қурилмасдан аввал учинчи мудофаа деворининг узунлиги 1 км, баландлиги 3,5 м бўлган қисми мавжуд бўлган ва у эски хариталарга туширилган. Унинг қалинлиги 10 м атрофида бўлган ва девор ҳар бир қатори 1,3 м баландликда бўлган пахсадан бунёд этилган (Массон 1973: 23–24).

С. К. Кабанов ва М. Е. Массон ўртасидаги қарама-қарши фикрларни аниқлаштириш ва Қалъайи Заҳхоки Морон ёдгорлигининг учинчи ташқи мудофаа девори мавжуд бўлганлигини аниқлаш мақсадида ўтган асрнинг 70-йиллари охирларида Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти илмий ходими М. Тўребеков томонидан Қарши темирйўл вокзалининг орқа томонидаги ҳудудда мавжуд бўлган пастқам ва кенг тепаликда археологик қазув ишлари олиб борилди ва пахсадан қурилган маҳобатли мудофаа девори қолдиқлари топилди. Топилган девор ёдгорликнинг ғарбий девори бўлиб, унинг қарийб 50 м узунликдаги қисми ва унинг ташқи томонида мавжуд бўлган мудофаа чоҳининг (ров – Р. А.) 200 м узунликдаги излари эни 20–30 м, чуқурлиги 1 м бўлган узун, пастқам хандақлар кўринишида сақланиб қолган. М. Тўребековнинг маълумотига кўра, иккинчи мудофаа девори билан учинчи ташқи мудофаа девори орасидаги масофа ўртача 500 метрни ташкил этади. Шу тариқа, М. Тўребеков томонидан Қалъайи Заҳхоки Мороннинг ташқи учинчи мудофаа деворларининг қолдиқлари аниқланган ва М. Е. Массон томонидан келтирилган маълумотлар тўғри эканлиги амалда исботланган (Тўребеков 1979: 70, рис.1).

Мана шу даврда М. Тўребеков томонидан Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг биринчи ва иккинчи мудофаа деворларида ҳам археологик қазилмалар ўтказилган ва ҳар иккала мудофаа деворлари илк ўрта асрлар даврига келиб таъмирланганлиги аниқланган. Мана шу таъмирлашлар даврида бунёд этилган деворлар деворичи коридорлари билан қурилганлар. Лекин бу таъмир деворлари ичидан ҳам, коридорлардан ҳам биронта археологик буюм парчалари топилмаган. Шунга қарамасдан, тадқиқотчи Суғднинг бошқа ёдгорликларидан иқтибос олган ҳолда, бу таъмирлашлар мил. IV–V асрларда амалга оширилганлигини тахмин қилган.

Археологик қазилмалар муаллифи М. Тўребековнинг хулосасига кўра, Қалъайи Зоҳҳаки Морон ўрнидаги қадимий шаҳар бу ҳудудга Жанубий Сибир ва Олтой томонлардан келган, Ўрта Осиё ҳудудида фаолият кўрсатаётган Юнон-Бактрия давлатини йикитган скиф қабилалари томонидан милоддан аввалги II асрда бунёд этилган (Тўребеков 1979: 75). Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг локализацияси масаласига Р. Ҳ. Сулаймонов ҳам қизиқиш билдирган. Олимнинг фикрига кўра, бутун Суғд ҳудуди мил.авв. II асрнинг биринчи ярмида Оролбўйи саклари томонидан истило қилинади. Қалъайи Зоҳҳаки Морон мана шу қабилалар томонидан мил.авв. II асрнинг иккинчи ярмида бунёд қилинган бўлиши мумкин (Сулаймонов 2000: 26–28). Р. Ҳ. Сулаймонов Қалъайи Зоҳҳаки Морон ёдгорлигини тархини мил.авв. IV–II асрларга оид, майдони 190 x 100 м бўлган Бибиш Мулла ёдгорлиги билан қиёслаб, шу фикрга келган.

Кўпгина олимлар Ўрта Осиёга мил.авв. II асрда келган қабилаларни юечжилар деб аниқлаштирадилар ва скифларни шарқий Европа ва Марказий Осиёда умргузаронлик қилган кўчманчилар қабилаларининг умумий номи сифатида талкин этадилар. Мил. авв. II асрда Ўрта Осиёга кириб келган қабилаларнинг айнан юечжилар эканлигини қадимги хитой йилно-маларида сақланиб қолган узук-юлуқ манбалар ҳам тасдиқлайдилар.

Лекин бизнинг фикримизча, Қалъайи Зоҳҳаки Моронда ўтказилган таъмир ишлари сал аввалроқ, яъни милоднинг III асрларидан бошлаб Ерқўрғоннинг шаҳар сифатида кескин ривожланиш палласига кирган даврида амалга оширилганлиги ҳақиқатга яқинроқ. Чунки милоднинг III асрида Ерқўрғонда жуда катта камровда қурилиш ишлари бошланганлиги, шаҳарнинг

ички мудофаа деворлари тубдан таъмирланганлиги, мавжуд деворларнинг усти текисланиб ва унинг устида ичида коридори бўлган деворлар қурилганлиги, айнан шу даврда шаҳарда улкан сарой барпо этилганлиги археологик қазिशмалар натижасида аниқланган. Мана шу даврда Жанубий Суғдда бир неча ўнлаб шаҳарсимон йирик қалъалар, юзлаб мудофаланган қишлоқ маконлари, қасрлар ҳам пайдо бўлади. Бу воқелик кўплаб олимлар томонидан Сирдарёнинг куйи оқимида яшаб келган “Жетиасар маданияти”га, ҳамда ўрта оқимида яшаб келган “Қовунчи маданияти”га мансуб катта миқдордаги аҳолининг Суғдга, шу жумладан Жанубий Суғдга миграцияси сифатида талқин қилинади. Бизнингча, милодий III асрда, яъни Қалъайи Зоҳҳаки Морон ўрнидаги шаҳар бунёд этилганидан тахминан 400–450 йил ўтиб, бу шаҳарнинг майдонни 16 гектарга қисқарган ва у қадимги юечжиларнинг олис авлодлари бўлган, бу пайтга келиб ўтроқлашган халқларнинг улкан қалъаси сифатида фаолиятини давом эттирган. Мана шу даврда бу қалъа жетиасарликлар томонидан ишғол қилинган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Демокчимизки, милодий III асрда унинг ташқи учинчи мудофаа девори фаолият кўрсатмаган, чунки М. Тўребековнинг тадқиқотларида ташқи девор қурилганидан кейин бошқа таъмирланмаганлиги аниқланган.

Қалъайи Заҳҳоки Морон юечжи қабилалари томонидан барпо этилган пайтда Суғдда Самарқанд (Афросиёб), Басилея-Челак (Кўктепа), Кеш, Кишш (Подаётоқтепа, Узунқир), Никшапайа-Нахшаб (Ерқўрғон) каби қадимий йирик шаҳарлар фаолият кўрсатаётган бўлган. Бу шаҳарлар ўзлари бунёд этилган жойнинг маҳаллий табиий ландшафтидан, худуднинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, баъзида эса ўзларидан олдин фаолият кўрсатган қадимги қишлоқлар ўрнида, табиий дарёлар, сойлар бўйларида бунёд этилганлар. Шунинг учун уларнинг ҳар бири ўзига хос, бошқа шаҳарларга ўхшамайдиган тархга, топографик хусусиятларга эга. Улардан фарқли ўларок, Қалъайи Заҳҳоки Морон даштда, маданий воҳанинг жанубий чегара худудида, теп-текис майдонда, аввалдан махсус тайёрланган тарх асосида квадрат шаклида бунёд этилган. Бу худуддан Қашқадарёнинг бизга номаълум бўлган қадимий тармоқларидан бири оқиб ўтганлиги ёки Қашқадарёдан сунъий канал тортилганлиги ҳақиқатга яқин, чунки бундай улкан шаҳарнинг деворларини бунёд этиш учун ёки шаҳарнинг кейинги фаолияти учун катта миқдорда сув манбаси бўлиши лозим. Улкан квадрат тархга эга, уч қаторли мудофаа деворлари билан ўраб олинган шаҳар ўзида Жанубий Сибир, Олтой ва Мўғулистон ўлкаларида қадимдан мавжуд бўлган шаҳарсозлик анъаналари асосида бунёд этилган кўчманчилар шаҳарларига хос қурилиш анъаналарини акс эттиради. Юечжиларнинг Ўрта Осиёни истило қилишлари масаласи билан қизиққан К. Абдуллаев ҳам Қалъайи Зоҳҳаки Моронни кўчманчилар шаҳри сифатида талқин этган (Abdullaev 2007: 73–98). Узоқ Шарқ, Жанубий Сибир, Олтой ва Мўғулистон худудларидаги кўчманчи шаҳарлар қурилишида шубҳасиз қадимги Хитой шаҳарсозлик анъаналарининг таъсири бўлган. Лекин кўчманчи халқлар ўз шаҳарларини ўзларининг азалий ва кундалик турмуш тарзи бўлган кўчманчилик ҳаётига мослаб бунёд этганлар.

Милоддан аввалги бир неча юз, балки минг йиллар жараёнида Марказий Осиёнинг шимолий ва шимоли-шарқий худудларида азалдан яшаб келган кўчманчи қабилалар жанубга ва ғарбга доимий равишда юришлар қилганлар. Бу юришларнинг сабаби турлича бўлиб, гоҳо енгилган қабилаларнинг оммавий кўчишлари, гоҳо босқинчиликлар ёки қирғинбарот юришлар тарзида амалга оширилган. Айрим ҳолатларда қадимий кўчманчилар ўзлари яшаётган худудларда рўй берган қурғоқчиликлар ва бошқа табиий офатлар натижасида қўшни яқин ва узоқ ўлкалардаги яйловларни қўлга киритиш мақсадида ҳам юриш бошлаганлар. Урушларда енгилган қабилалар ёки элатлар ўз юртларидан ва яйловларидан мосуво бўлиб, аксарият ҳолларда маданийлашган деҳқончилик воҳаларига қараб йўл олганлар. Шу тариқа Сибир, Узоқ Шарқ ва Шарқий Европанинг беадад кенгликларида яшаган кўчманчи халқлар доимий равишда Хитойга, Ўрта Осиёга ва Европага юриш қилиб турганлар. Бу кўчманчи халқлар та-

рихда хуннулар, юечжилар, усунлар, саклар, савроматлар сарматлар, дахлар, гуннлар, аланлар ва бошқа кўплаб номлар билан аталдилар.

Сибир ва Узоқ Шарқда қадимда яшаган кўчманчи халқлар тўғрисида ёзма манбалар милоддан 1000–1500 ва ҳатто ундан ҳам аввалги даврларга оид Хитой ёзма манбаларида учрайдилар. Бундан 3000–3500 йил аввал ўз ёзувларини яратган хитойликлар ўз юртиларига доимий равишда ҳужум қилиб турган, шимол томондан доимий хавф солиб келган “варварлар” тўғрисида ёзиб келганлар. Шунинг учун ўзларидан кам миқдорда моддий маданият намуналарини қолдирган кўчманчилар дунёси тўғрисидаги энг муҳим ва ишончли манбалар албатта қадимги Хитой йилномаларидир.

Узоқ Шарқ, Жанубий Сибир, Олтой, Монголия ва Марказий Осиё ҳудудларида қадимдан яшаб келган кўчманчи халқлардан қолган ёдгорликларнинг асосий қисми кўчманчилар одатлари бўйича дафн этилган қабрлар, мазоркўрғонлар, уларнинг моддий маданияти эса шу қабристонлардан топилган археологик ашёлардир. Шу топилмалар воситасида қадимий кўчманчилар дунёсининг иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳаёти, ҳўжалиги, диний ва дунёвий қарашлари, миграцияси йўналишлари ва бошқа жиҳатлари муфассал ўрганилган. Мана шу қадимий кўчманчи халқлар тарихнинг турли даврларида бизнинг юртимизга ҳам кириб келишган, яшашган ва ўзларидан маълум миқдорда осори-атиқалар қолдиришган.

Бу ўринда биз қадимий туркий дунёнинг йирик ва жангавор халқларидан бири, хитой манбаларида юечжи номи билан тилга олинган қабилалар, уларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва улар билан кечган тарихий воқеликларни Қалъай Зоҳҳаки Морон ўрнидаги улкан шаҳарга боғлаган ҳолда фикр юритамиз.

Юечжилар масаласи Марказий Осиё, Хитой, туркий дунё тарихи билан ва манбашунослиги билан шуғулланган ўнлаб хорижлик олимлар тадқиқотларида кенг кўтарилган ва бу борада йирик тадқиқотлар мавжуд. Бу масала бўйича энг сўнгги ва янги тадқиқотлар франциялик ҳамкасбларимиз Ф. Грене (Грене 2014: 57–69), К. Рапэнга (Рапэн, Исамиддинов, Хасанов 2014: 70–116) тегишли. Ф. Грене юечжиларнинг бешта “ябғу”си: Сюми, Шуанми, Гуйшуан, Сидун ва Гаофу ва уларнинг пойтахт шаҳарлари локализацияси билан қизиққан. Олим бу ябғулар ва уларнинг пойтахт шаҳарларини аксарият ҳолларда Бактрия-Тохаристон ҳудудларига жойлаштирган (Грене 2014: 60). К. Рапэн, М. Исамиддинов ва М. Ҳасановларнинг мақоласида эса юечжилар Ҳисор тоғларининг ҳар икки томонида (Бактрия-Тохаристон ва Суғд – Р. А.) ҳам ҳукмронлик қилганлиги айтилсада, муаллифлар юечжилар масаласига чуқур урғу бермаганлар. Юечжилар масаласи алоҳида тадқиқот даражасига А. Хўжаев томонидан кўтарилган (Ходжаев 2011).

Биз ушбу мақоламизда юечжилар масаласига қуйидаги фикрлар ва мулоҳазалар билан ёндошмоқчимиз.

Жанубий Сибир, Олтой, Монголия ва унга туташ ҳудудларда қадимда яшаган энг кўп сонли халқлар хуннлар ва юечжилар қабилалари иттифоқлари эдилар. Милоддан аввалги III асрда ўша ҳудудда юечжилар иттифоқи юқори қудратга эришади ва хуннлар ҳукмдори юечжиларга тобелик билдириб гаров тариқасида ўз ўғлини беришга мажбур бўлади. Лекин кейинроқ вазият бошқа томонга ўзгаради, хуннларнинг янги ҳукмдори Маодунь (Модэ) ўзи ҳукмронлик қилган ҳудудларда ҳарбий-маъмурий соҳаларда чуқур ўзгаришлар ва ислоҳотлар ўтказиб, хуннларни Монголия ва унга туташ ҳудудлардаги энг қудратли кучга айлантиришга эришади. Маодунь ҳатто Хань сулоласи ҳукмронлик қилаётган қудратли Хитой империясига ҳам хавф сола бошлайди. У Хитойга икки марта юриш қилиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ўлжа билан қайтади. Хитой императорлари унга хирож тўлаб туриш мажбуриятини оладилар (Савинов 2005: 31–37).

Милоддан аввалги 176 йилда хуннлар ва юечжилар ўртасида яна нифоқ пайдо бўлади. 174 йилда Маодуннинг ўғли Лаошан юечжиларга тўғридан-тўғри ҳужум уюштириб уларни

тор-мор келтиради ва юечжилар ҳукмдорининг бошини танасидан жудо қилиб, бош чаноғи косасида шароб ичади. Тор-мор бўлган юечжилар ота-боболари асрлар давомида яшаб келган беадад ҳудудларидан, сон-саноксиз чорва молларини боқиб келган серўт яйловларидан тамоман мосуво бўлиб, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига қараб йўл оладилар.

Юечжилар илк маротаба хитойликларнинг “Гуаньцзи” трактатида “юйши”, “юйчжи” номлари остида тилга олинади. Хитойларнинг яна бир асари “Му осмонининг ўғли тўғрисида ҳикоя” асарида Юйэчжи мамлакати тилга олинади. Хитойлик тарихчи Сима Цян ўзининг “Тарихий хотиралар” асарида айтишича, суннулар, яъни хуннлар Катта Юечжи устидан ғалаба қозонадилар. Юечжилар эса ғарбга йўл оладилар ва Дахя подшолигини (Юнон-Бактрия давлати) эгаллайдилар. Юечжиларнинг қароргоҳи Гуйшуй Амударёдан шимолда жойлашган. Юечжилар аҳолисининг сони 400 мингга, қўшиннинг сони эса 100-200 мингга ташкил этади. Катта Юечжи бешта мулкка, яъни қабилаларга (ябғуларга) бўлинган бўлиб улар Сюми, Шунанми, Гуйшуан, Сидун, Гаофу каби номлар билан аталган. Тарихий ва илмий адабиётларда Гуйшуан қабиласи кейинчалик Кушон давлатига асос солганлиги айтилади.

Сима Цяннинг юечжиларнинг ғарбга йўл олишлари ва Дахя подшолиги ҳудудларини (Юнон-Бактрия давлати) эгаллаганликлари тўғрисидаги маълумоти жуда муҳим. Дахя подшолиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу подшоликнинг номидан ҳам уни дахлар ташкил этганлигини англаш мумкин. Ҳозирда дахлар ва юечжиларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши ва уни эгаллаши борасида турлича фикрлар бор. Дахларнинг ҳам, юечжиларнинг ҳам Ўрта Осиёга кириб келганлиги ва уни турлича ҳудудларини эгаллаганликлари бор гап. Дахларнинг ўз юртлигини, яъни қуйи Сирдарё ва Оролбўйидаги азалий ватанларини ташлаб, бир қисми тўғри жанубга йўл олиб кейинчалик Парфия давлатига асос солганлиги, бир қисми Сирдарё бўйлаб шарққа Чоч ва Фарғона водийсига, жанубга йўл олганларнинг бир қисми эса Хоразм орқали Амударё ёқалаб шарққа, яъни Суғдга миграция қилганлиги айтилади. Бу юришни Жанубий Суғд мисолида оладиган бўлсак, мил.авв. II асрда Ерқўрғоннинг кенгайиб, ташқи шаҳрининг қурилишини дахларнинг бу шаҳарни эгаллашлари ва унинг ривожланишларига эътибор қаратишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юқорида айтилганидек, Сима Цяннинг юечжилар жанубга сурилиб Дахя подшолигини эгаллаганликлари тўғрисидаги маълумоти Жанубий Суғд мисолида кўпгина фикрларни ойдинлаштиради. Агар Жанубий Суғд ва Бактрияда ўз ҳукмронликларини ўрнатган дахларнинг Дахя (Юнон-Бактрия) давлати таркибига кирган Никшапа-Нахшаб (Ерқўрғон) бу давлат фаолиятида гуллаб-яшнаб, кенгайган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Агар дахларнинг асл ватани Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Жанадарё ва Қувондарё водийлари, асосий шаҳри Чирик Работ бўлса, дахларнинг ҳаммаси ҳам кўчманчи эмас, шаҳарсозлик маданиятига эга бўлган халқлар сифатида улар Никшапа-Нахшабнинг кенгайиб, ривожланишларига ғамхўрлик кўрсатган бўлишлари мумкин.

Кушонлар ҳукронлиги даврида Ўрта Осиёнинг катта қисми, асосан унинг шимолий ҳудудлари Канцзюй (Кангюй) давлати таркибида бўлган. Канцзюй (Кангюй) давлати эса юечжиларга қарам бўлган. Сима Цяннинг “Тарихий хотиралар” асарида айтишича, Канцзюй (Кангюй) кучсиз давлат бўлган. Бу ҳолат “Хан давлатининг кейинги тарихи” асарида ҳам қайд этилган. Шунга қарамадан бу давлатга Сусйе, Фуми, Юни, Ги, Юэжянь каби кичик подшоликлар қараган.

Хитойшунос олим А. Хўжаевнинг фикрига кўра, юечжилар Канцзюй (Кангюй) ҳудудларидан ўзларининг ўлган подшосининг беваси бошчилигида ўтганлар ва улар Суғдни ишғол қилганларида ҳам ўша аёл уларнинг ҳукмдори бўлган.

Кўчманчилар дунёси устида иш олиб борган япониялик тадқиқотчи И. Кувабари фикрига кўра, юечжилар Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларига мил.авв. 172–161 йилларда, жанубга – Амударё бўйларига эса мил.авв. 139–129 йиллар оралиғида кириб борганлар. Мана шу йил-

ларда аввал Самарқанд воҳаси кейин эса Қашқадарё воҳаси ҳудудлари эгалланган. Бу маълумотдан юечжилар жанубга аста-секинлик билан, тўхтаб-тўхтаб силжиганлар ва шунинг учун ҳам улар Ўрта Осиёнинг шимолидан Амударё бўйларигача қарийб қирқ йилда етиб борганлар. Ушбу маълумотлардан юечжилар Ўрта Осиё ҳудудларини жангсиз, аста-секинлик билан, кўчишлар натижасида эгаллай бошлаганлигини англаш мумкин. Бизнингча, мил.авв. 161–139 йиллар оралиғидаги даврда юечжи қабилалари иттифоқи томонидан Жанубий Суғдда кўчманчилар давлати – Катта Юечжининг пойтахти сифатида Қалъайи Зоҳҳақи Морон шаҳри бунёд этилган. Бу улкан шаҳарнинг қурилиши сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, уни юечжи қабилалари иттифоқи томонидан Катта Юечжи давлатининг расман жорий қилиниши сифатида баҳолаш мумкин. Жанубий Суғдда шаҳар қуриб, кўним топган юечжиларнинг айрим қабилалари кейинчалик Суғд ва Бактриянинг бошқа минтақаларига ҳам тарқалганлар ва Амударёгача етиб борганлар. Гуйшун қабиласининг жанубга кетиши натижасида кейинчалик Кушон давлатининг ташкил топиши бунга мисол бўла олади.

Юечжилар тарихи масаласи устида жиддий тадқиқотлар олиб борган хитойшунос олим Аблат Хўжаевнинг маълумотига кўра, дай-рузийлар, яъни юечжилар мил. авв. 130 йилда Бактрияга бостириб кирганлар ва ўзларининг давлатини тузганлар (Ходжаев 2011: 137–138).

Қалъайи Зоҳҳақи Мороннинг географик жойлашишига эътибор қаратсак, шаҳар фақатгина Жанубий Суғднинг марказий ҳудудида эмас, шу билан бирга Катта Юечжи қўли остида бўлган Марказий, Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди ва Бактрия-Тохаристон ўлкаларининг ҳам ўртасидаги ҳудудда барпо этилганлигига амин бўламиз. Шунинг учун бу шаҳарнинг қурилишини Катта Юечжи давлати фаолиятидаги катта сиёсий тадбир сифатида баҳолаш мумкин.

О. Г. Обельченко Бухоро воҳасидаги Лавандоқ мозорқўрғонларини юечжилар даврига оид эканликларини айтган бўлсада, уларнинг Канпир девор ичидаги ҳудудларда жойлашганлиги учун юечжиларга эмас, балки ўтроқ халқларга тегишли, деган фикрга келган. Олимнинг фикрига кўра, бу аҳолининг яқин аجدодлари кўчманчи бўлганлар ва шунинг учун улар майитларни кўчманчилар одати бўйича дафн этганлар (Обельченко 1961: 165). Лекин О. Г. Обельченко Лавандоқ қўрғонларидан топилган осори-атиқаларни илмий таҳлил қилар экан, уларнинг жуда аксарияти Жанубий Урал, Олтой ва Жанубий Сибир томонлардаги мозорқўрғонлардан топилган осори-атиқалар билан жуда ўхшашлик ва яқин томонларини келтириб ўтсада, лекин Лавандоқ мозорқўрғонларини юечжиларга тегишли эканлигини айтишда эҳтиёткорлик қилган. Бизнинг фикримизча, юечжилар Бухоро воҳасини ҳам истило қилганлар, сабаби бу катта кучга воҳани ўраб турган Кампир Девор тўсиқ бўлолмаган. Қолаверса, Канпир Девор юечжилар келишидан аввал қурилганми, ёки кейинми, бу масалага ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Юечжиларнинг Суғд ва Бактрияни эгаллашлари натижасида бу ҳудудларда Юнон-Бактрия давлати ўрнида Катта Юечжи давлати ташкил топган. Шу аснода фир юритсак, Бухоро воҳаси ҳам тўлалигича Катта Юечжи таркибида бўлган ва Лавандоқ мозорқўрғонлари ана шу даврда шаклланган. Шунинг учун ҳеч иккиланмасдан Лавандоқ мозорқўрғонлари юечжиларга тегишли эканлиги тўғрисидаги фикрни илгани суриш мумкин.

Энди юечжиларнинг жанубга кўчиб кетганларидан кейинги воқеаларга назар ташласак, юқорида айтганимиздек, мана шу пайтда Хитойдаги Хан давлати ва хуннлар ўртасида муносабатлар жуда таранглашган, ўзаро урушлар давом этаётган эди. Хан ҳукмдори У Ди куч жаҳатидан анча устун бўлган хуннларни ўз кучи билан енга олмаслигига кўзи етиб, атрофдан хуннларга душман бўлган қабилалардан ўзига иттифоқчи излашга тушади. Уларга энг яқин иттифоқчи фақат хуннларнинг азалий рақиби юечжилар бўлиши мумкин эди. Лекин хуннлардан қаттиқ зарба еган, қанчалаб қўшинидан ажралган юечжилар аллақачон жанубий ғарбга кўчиб кетган, кўп йилдан бери уларнинг кейинги тақдиридан ҳеч қандай хабар йўқ эди. У Ди давлат амалдорлари билан маслаҳатлашиб, юечжи қабилалари билан иттифоқ тузиш, уларни

ортга, ўз ватанларига қайтариш ва биргаликда умумий душмани бўлиб қолган хуннларни енгиш мақсадида юечжи қабилалари хузурига ҳарбий зобит Чжан Цян бошчилигидаги юз кишидан иборат элчилар гуруҳини музокарага юборади. Хитой манбаларининг хабар беришларига кўра, милoddан аввалги 139–129 йиллар оралигида юечжилар деярли ҳарбий мазмунидаги кўчишлар ва юришлар натижасида Суғдда ва Бактрия ҳудудларида ҳукм сураётган кудратли Юнон-Бактрия давлатини тор-мор келтириб, бу ўлкалар ерларини бутунлай истило қилиб, ўзларининг ерларига айлантириб бўлган эдилар. Йўлга чиққан Чжан Цян бошлиқ гуруҳ йўлда хуннлар томонидан асир олинадилар ва улар асирликда ўн йил қолиб кетадилар. Мана шу даврда элчилар гуруҳининг барча аъзолари ҳалок бўладилар. Ўн биринчи йилда асирликдан зўрға қочишга муваффақ бўлган Чжан Цян хуннлардан бўлган шериги билан сафар вазифасини адо этиш учун ғарбга йўл оладилар ва бир неча ойдан кейин Катта Юечжи қабилалари бошлиқлари билан учрашишга муваффақ бўлади. Элчилар Хитой ва хуннлар ўртасида кейинги йилларда давом этаётган жангу-жадаллар, урушлар хабарини берар эканлар, юечжиларни яна ортга, ота юртларига қайтишга, Хан давлати билан иттифоқчи бўлишга ва биргаликда катта куч бўлиб, умумий душмани хуннларга қарши уруш қилишга кўндиришга ҳаракат қиладилар. Лекин юечжилар ҳукмдори Чжан Цянга дарҳол жавоб беришга шошилмайди. Элчи юечжиларнинг жавобини кутиб Ўрта Осиёда бир йил қолиб кетади. Мутахассисларнинг фикрларича, элчилар юечжилар олдига мил.авв 126 йилда етиб борганлар ва уларнинг подшосини Амударё бўйида учратганлар. Элчилар келган пайтда юечжилар ҳукмдорлари ўзларининг дастлабки пойтахтини тарк этиб Амударё бўйига кўчиб келган эдилар. Мана шу пайтда тахтда энди юечжиларнинг ўлган подшосининг беваси эмас, унинг ўғли ўтирган эди. Элчилар иттифоқ тузиш тўғрисидаги таклифга рад жавобини мана шу шаҳзодадан, янги подшодан олганлар. Юечжилар подшоси Чжан Цян ва унинг шерикларига – “Биз неча-неча йиллардан бери тинмай давом этаётган поёни йўқ бу жангу-жадаллардан, уришлардан жуда чарчадик, энди унумдор ерларга, оқар сувларга бой бўлган мана шу мамлакатда тинч-тотув яшамокчимиз”, – деб жавоб бериб, ўз узрини изҳор қиладилар. Бу жавобдан кейин бўлғуси катта иттифоқ тузиш умидидан бутунлай маҳрум бўлган Чжан Цян ва унинг шериклари Бадахшон ва Помир орқали Шарқий Туркистонга ва Хитойга кетган қадимий ва яқинроқ йўлдан орқага қайтадилар. Лекин улар йўлда бу сафар ҳам хуннлар томонидан асир олинадилар ва сўроқлар пайтида хуннлар уларнинг нима юечжилар олдига элчи бўлиб борганликларидан мақсадларини, лекин рад жавоби олганликларини билиб оладилар. Чжан Цян ва шериклари яна зиндонбанд этиладилар. Элчи бир йилча асирликда бўлиб, кейин қочишга муваффақ бўлади ва яна қанча машаққатлар чекиб, роса ўн икки йил деганда Хитойга етиб олади. У асирликдан қочишга муваффақ бўлганми, ёки хуннлар уни ўз мақсадига етолмай қайтаётганлигини, хитойликлар иттифоқ тузиш умидидан маҳрум бўлганлигини эшитишлари учун уни атайлаб қўйиб юборишганми, бу номаълум. Воқеаларни таҳлил қиладиган бўлсак, хуннлар икки-уч кишини ўлдиришдан кўра қўйиб юбориш фойдалироқ эканликларини тушунишганлари ҳақиқатга анча яқин бўлиб чиқади.

Манбаларда айтилишича, юечжилар Ўрта Осиё ҳудудларини истило қилиб, дастлабки пойтахтини Амударёдан шимолдаги ҳудудда қурганлар (Сыма Цян 2001: 151). Бу пойтахт қаерда қурилган? Агар Термиз томондан олиб қаралганда, унинг шимолидаги ерларда Шимолий Бактрия-Тохаристон ўлкаси жойлашган. Мобода Амударёнинг ўрта оқимидаги жойлардан, Келиф ёки Керкичи ҳудудларидан олиб қаралса, Амударёнинг шимолидаги ерларда Қашқадарё воҳаси жойлашган. Қалъайи Зоҳҳаки Морон Келифдан тўғри шимолда жойлашган бўлиб, орадаги масофа 166 км. Амударёнинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаган Керкичи шаҳри атрофидаги кечувдан шимолда жойлашган Қалъайи Зоҳҳаки Моронгача бўлган масофа эса 118 км. Кўчманчилар учун бу масофа унчалик узок эмас. Келиф ва Керкичида Амударёнинг энг асосий йирик кечувлари жойлашган бўлиб, айниқса Жанубий Суғднинг жанубий чегарасида жойлашган Керки-Керкичи

йўл билан шимолда яшовчи кўчманчи хуннлар ва юечжилар юртларига бормасдан, яъни кўчманчи қабилаларнинг иштирокисиз ўзлари бу ишни амалга оширишга жазм этганлар. Юечжиларнинг Юнон-Бақтрия подшолигига хужуми бу давлат подшоларининг мана шу сиёсатига қарши уруш сифатида пайдо бўлганлигини В. В. Бартольд ҳам таъкидлаган (Бартольд 457). Кейинчалик мана шу йўлдан буддавий роҳиблари ҳам ўтганлар ва Шарқий Туркистон ҳамда Хитой худудларига ўзларининг динларини ёйганлар.

Юз минглаб аҳолини бирлаштирган кудратли қабилаларнинг юришлари ва уларнинг аста-секин ўтроқлашишларининг бошланиши Жанубий Суғднинг тарихий топографиясига, демографик қиёфасига, шаҳарсозлик ва қишлоқлари маданиятига, маҳаллий аҳолининг иқтисодий турмуш-тарзига, урф одатларига ҳам таъсир кўрсатган, албатта.

Қалъайи Зоҳҳаки Морон масаласига келсак, бу шаҳарни даҳлар қурмаган албатта ва бу шаҳар том маънода кўчманчилар шаҳри. Қолаверса, унинг топографик тархи, шаҳар сифатидаги хусусияти одатда даҳларнинг асосий шаҳри сифатида талқин қилинадиган Чирик Работдан тамомила фарқ қилади. Шу аснода фикр эритадиган бўлсак, бу шаҳарни Даҳя подшолигини йиқитган кўчманчи юечжилар қуришган ва бу шаҳар қурилиши Ерқўрғоннинг ташқи шаҳар ҳисобига кенгайтишидан анча кейинроқ амалга оширилган.

Кейинги пайтда Тохаристонни барпо қилган тохарлар айнан юечжилар эканлигини тасдиқловчи фикрлар пайдо бўлмоқда ва юечжиларнинг Бақтрия-Тохаристон тарихидаги ўрни тобора яққол кўриниб бормоқда (Ртвеладзе 2005: 35)

Ўрта Осиё худудида фаолият кўрсатиб келаётган ўтроқ халқларнинг қадимий шаҳарларидан фарқли ўлароқ, Қалъайи Заҳҳаки Мороннинг ҳар уч қатор деворлари ораларидаги худудлар теп-текис майдондан иборат. Азалий кўчманчилар бўлган юечжилар улкан шаҳар бунёд этган бўлсалар ҳам, бу шаҳарда ҳам ўзларининг асрий урф-одатларини давом эттириб, бир умр истиқомат қилиб келган шинам ва қулай чодирларини тикиш учун текис майдон қолдирганлар. Шунинг учун Қалъайи Заҳҳаки Морон кўчма маънодаги кўчманчилар шаҳри, аслида шаҳар ҳам эмас, улкан қалъа кўринишидаги қишлоқдир. Биз уни мушофаа деворлари бўлганлиги учун ҳам шаҳар деймиз. Уни шаҳар дейиш учун асосан ўтроқ шаҳарларга хос бўлган жуда кўп хусусиятлар мавжуд ҳам эмас.

Кейинги асрларда, Чигатой улуси даврида кўчманчи мўғуллар томонидан қурилган Қарши қалъаси ҳам ўзининг квадрат шаклдаги тархи билан Қалъайи Зоҳҳаки Морон қурилишини эслатади (2-расм). Бу шаҳарда ҳам унинг марказида сарой қурилган. Лекин подшо ва унинг



3-расм. Занжир Сарой. Топографик тарх (Раимкулов, Султанова, 2005: 224).

Рис. 3. Занжир Сарай. Топографический план (Раимкулов, Султанова, 2005: 224).

Figure 3. Zanjir Sarai. Topographic plan (Raimkulov, Sultanova, 2005: 224).

якин аёнлари бу саройда яшамаганлар ва қалъа ичида уларнинг ўтовлари бўлган, 1333 йилда Қаршига келган Ибн Баттутани шоҳ Тармаширин шаҳар деворлари ичида тикилган шоҳона “олтин ўтов”да қабул қилган. Ибн Баттутанинг айтишича, сарой “ўрда” деб аталган, лекин у бўм-бўш бўлган¹. Шу аснода фикр юритсак, Қалъайи Зоҳҳаки Морон қурилган дастлабки йилларда арк давлатнинг расмий иншооти сифатида доимий фаолият кўрсатмасдан, расман қабул маросимларида ундан фойдаланилган бўлиши мумкин. Балки умуман фойдаланилмагандир.

Шундай бўлсада, Қалъайи Зоҳҳаки Морон ўта маҳобатли, улкан шаҳар, подшолар қароргоҳи сифатида бунёд этилганлиги бирор-бир шубҳага ўрин қолдирмайди.

Кўчманчилар дунёсида, кўчманчилар давлатларининг бошқарув тизимида асрлар давомида “ижтимоий-этник тобелик” тартиби амалда бўлган. Бу тартиб маълум катта-кичик қабила-лар, элатлар, ўтроқ шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолисининг бошқа қабилаларга ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қарамлигига асосланган. Бу тартибга биноан бўйсундирилган мамлакатлар, қаби-лалар, ўтроқ шаҳарлар ва қишлоқлар аҳолиси ҳукмрон қабилаларга сиёсий, иқтисодий жиҳат-дан тўла қарам бўлиб, уларга доимий равишда солиқ, ўлпон тўлаб турган, ҳарбий, уруш хо-латларида уларнинг қўшинига одам етказиб берган (Савинов 2005: 32–37). Хуннлар даврида, аниқроғи хуннлар подшоси Маодунь (Модэ) ҳукмронлиги даврида ҳатто Хитой ҳам хуннлар-га маълум даврда ўлпон тўлаб турган. Киданлар – қорахитойлар даврида ҳам мана шу тизим амалда бўлган. Улар ўз вассаллари бўлган давлатларнинг ички ишларига аралашмаганлар ва фақат улардан ўлпон йиғиш билан чекланганлар. 1171–1172 йилларда Хоразмшоҳ ўлпонини ўз вақтида тўламаётганлиги учун қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмга юриш бошлай-ди. Кейинги асрларда кўчманчи мўғуллар, хусусан Чингизхон авлодлари томонидан ташкил қилинган Олтин Ўрда ҳукмронлиги даврида қадимги Рус халқлари мана шундай “ижтимо-ий-этник тобелик” асоратига солинган. Суғдни, шу жумладан Жанубий Суғдни ишғол қилган юечжилар ҳам воҳада мана шундай тизимни жорий қилганликлари эҳтимолдан холи эмас. Юечжилар келган даврида Жанубий Суғднинг марказий шаҳри сифатида фаолият кўрсата-ётган Никшапа (Ерқўрғон)нинг вайрон этилмаганлигини айнан “ижтимоий – этник тобелик” сиёсати билан боғлаш мумкин. Юечжиларнинг “ижтимоий – этник тобелик” сиёсати бўй-сунган ва мажбуриятини олган шаҳар аҳолиси ва бошқарув аппарати ўз шаҳрини омон қоли-ши учун юечжиларга бож ва ўлпон тўлаб турганлар. Шу тахлит, шаҳарнинг ривожланиши ва аҳолисининг кўпайиши ўлпонлар ва божлар миқдорининг кўпайишига олиб келганлиги са-баб, шаҳарлар ривожидан юечжиларнинг ўзлари ҳам манфаатдор бўлганлар. Ундан ташқари, мамлакатда юечжиларнинг яшашлари ва турмуш тарзи учун албатта ерли ўтроқ халқ томо-нидан етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва шаҳарликлар томонидан ишлаб чиқариладиган ҳунармандчилик маҳсулотларига эҳтиёж жуда юқори бўлган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири – 90-йиллари бошларидан бошлаб кўчманчилар дунёси-ни ўрганиш борасидаги тадқиқотларда “элита” атамаси қўлланила бошланди. Бу атама ўзида кўчманчилар дунёсидаги ижтимоий иерархик қатламлар ва кўчманчилар давлати ҳаётидаги бошқарув тизимини акс эттиради. Олимларнинг таъкидлашларига кўра, кўчманчилар жами-яти қандай хусусиятларга эга бўлишдан, қайси ҳудудларда яшашидан қатъий назар икки син-фга бўлинадилар – булар “элита” ва “омма”, яъни элита - бошқарувчилар, омма – бошқарилув-

¹ Бу ўринда бир масалага эътибор қаратамиз. Ибн Баттута Қаршида бўлган пайтда бу шаҳар қишлоқ вазифини ба-жаргани, йўқми, бу тўғрида сайёҳ ҳеч нарса демаган. Тармаширин даврида мўғулларнинг кўчганлиги тўғрисида ҳам аниқ бир маълумот йўқ. Агар Тармиширин бошчилигида мўғуллар кўчманчилик турмуш-тарзига риоя қилган бўлсалар ҳам, ибн Баттута бу ҳақда ҳеч нарса демаган, чунки у Қаршига совуқ киш пайтида келган ва бу пайтда мўғуллар қишлоқ учун Қаршига қайтганлар. Балки Тармаширин ҳам қишлоқга келган пайтда ибн Баттута уни шу жойда учратган бўлиши мумкин. Ибн Баттутадек барча нарсдан хабардор улуғ сайёҳни мўғулларнинг кўчманчилик турмуш-тарзидан беҳабар бўлган, шунинг учун бу тўғрида ёзмаган, дейиш нотўғри бўлади. Бизнингча, у бундан хабардор бўлса ҳам, у Қаршида бўлган пайтда ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеаларнигина ёзиб борган.

чилар (Элита в истории древних и средневековых народов Евразии 2015; Акишев 1994: 8–11; Боковенко 1994: 41–48; 138; Марсадолов 1997: 96–99; Массон В. 1994: 1–7).

Л. С. Марсадоловнинг кўчманчилар дунёсидаги ижтимоий табақаланиш борасидаги фикрига кўра, “...Олтойдаги қадимги кўчманчиларга тегишли мазоркўрғонларни қатта, ўрта ва кичик турларга бўлиб, уларни қайси ижтимоий қатламга тегишли эканлигини археологик қазилмаларсиз ҳам аниқласа бўлади” (Марсадолов 1997: 97).

Кўчманчилар дунёсининг ҳарбий, ижтимоий-сиёсий тузумида мураккаб, кўп поғонали иерархия тизими ишлаб чиқилган бўлиб, хуннларда уларнинг сони 24 қатламдан иборат қилиб белгиланган (Головнёв 2015: 79). Бу ҳолатни кўчманчиларнинг ҳарбий тизимидаги “туман”, “минглик”, “юзлик”, “ўнлик” каби бўлинишлар бошқарувида ҳам кўриш мумкин.

Олтойдаги “Пазирик маданияти” кўрғонлари тўғрисида кенг қўламдаги адабиётлар мажмуаси мавжуд. М.П. Грязнов очиб ўрганилган кўрғонлар гуруҳини қуйидаги турларга ажратган: камбағаллар қабрлари – асосий аҳолига тегишли; бойроқ қатламга оид қабрлар; “Подшолар қабрлари”. Шу тариқа қабрлар мисолида кўчманчилар қабилаларининг нақадар чуқур синфий табақаланиши кўрсатиб берилган (Грязнов 1950: 67–71).

Мана шу ҳолатни Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг меъморий тархига тадбиқ қилсак, шаҳарқалъа қуйидаги шу учта табақаланишни кўзда тутган ва унга риоя қилинган ҳолда бунёд этилганлигига амин бўламиз: 1) томонлари 200 x 200 метрли девор билан ўраб олинган майдон, марказий арк ёки сарой (4 га) “йўлбошчи ёки подшо” оиласи вакилларига тегишли бўлган; 2) 400 x 400 м (16 га) майдон энг юқори ижтимоий табақа бўлган сарой аёнлари, давлат бошқаруви аппарати вакилларига; 3) 1,5 x 1,5 км (иккита ички қалъадан ташқаридаги 205 га худуд – Р.А.) майдон эса давлатнинг юқори ижтимоий қатлами вакиллари, маълум даражада эътиборли табақа оилаларига тегишли бўлган. Шаҳар муҳофаа деворларидан ташқаридаги очик майдонлардаги худудларда бу улкан кўчманчилар шаҳрининг қатта миқдордаги асосий аҳолиси вакиллари, аскарлар ва кичик зобитлар истиқомат қилишган.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг квадрат шаклдаги тархи унинг айнан кўчманчилар шаҳри эканлигини, Сибир ва Монғолия каби қадимий кўчманчилар дунёсида ҳам шу анъанавий шаклдаги шаҳарлар қурилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам тасдиқлашлари мумкин.

Энди Шарқий Мўғулистон ва Узоқ Шарқ худудларидаги жойлашган, ғарбий чегаралари Шарқий Туркистонгача чўзилган кўчманчи киданларнинг Ляо давлатидаги ўрта асрлар даври шаҳарлар қурилишлари, уларнинг тархи ва хусусиятларига қисқача тўхталамиз².

Шимолий Хитой, Узоқ Шарқ, Сибир, Олтой ўлкаларида қадимданок шаклланган шаҳарсозлик анъаналари ўрта асрларга келиб бу худудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатган кўчманчи киданларнинг Ляо салтанати (907–1125 йиллар) шаҳарлари қурилишида ҳам давом эттирилди. Ляо салтанати шаҳарлари қурилишида ҳам анъанавий устувор тарх – тўғри тўртбурчакли ёки квадрат шакл сақланиб қолган. Шу билан бирга, ушбу салтанат худудларида йирик шаҳарларнинг жойлашган ўрни ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлган. Пойтахт шаҳарнинг географик жойлашган ўрни ҳам қандайдир маънода империячилик сиёсатининг қайсидир бир жиҳатларини акс эттирганлиги учун ҳам шаҳарлар керак бўлганда энг қийин ва ёқимсиз, одамнинг яшashi учун етарли шароит бўлмаган жойларда ҳам бунёд этилган (Lin 2011: 228). Бийдай чўл ўртасидаги маҳобатли шаҳар ёки улкан қалъа у томонга келаётганлар дўст бўлса, унинг

² 1124 йилда киданлар кўли остидаги журженлар Ваньянь Агуди деган шахс бошчилигида Хитойнинг Сун династияси билан иттифоқликда исён кўтардилар Ляо империясини тор-мор қиладилар. Шундан кейин енгилган киданларнинг ғарбга, шу жумладан Ўрта Осиёга улкан миграцияси бошланади. Киданлар бизга кўпроқ “қорахитойлар” номи билан маълум. Улар аввал Талас ва Чу водийлари ерларини эгаллайдилар, 1124 йилда Елюй Даши “гўрхон” унвонини олади ва мана шу санадан бошлаб Елюй Даши томонидан расман Қорахитойлар давлатига (Ляо-си, Ғарбий Ляо) асос солинади. Қорахитойлар 1134 йилда Ўрта Осиёга бостириб кириб, қорахонийлар ҳукмронлигига остидаги Боласоғун шаҳрини эгаллайдилар ва ўзларининг пойтахтига айлантирадилар, 1141 йилда эса Катвон чўлида Султон Санжар қўшинларини яқсон қиладилар. 1212 йилда Хоразмшоҳлар давлати таркибидаги найманлар Кучлук бошчилигида қорахитойлар давлатига барҳам берадилар.

қалбида хайрат, зўр таассурот, агар душман бўлса, кўркув, даҳшат ва ваҳшат солиши лозим бўлган.

Ляо давлати император саройининг тўртта “минораси”, яъни тўртта манзили бўлган ва улар бир йил давомида мана шу тўртта жойга кўчган, мамлакат мана шу жойлардан туриб бошқарилган. Киданлар шаҳар қурилиши анъаналарини хитойлардан, бохайлардан ва уйғурлардан ўзлаштирганлар. Шарқий пойтахт Линьхуанфу киданлар томонидан босиб олинган Бохай давлати ҳудудида, сувсиз катта чўлнинг қоқ ўртасида император Абаоцзининг буйруғи билан 918 йилда бунёд этилган ва юз кунда қуриб битирилган. Шаҳар 938 йилда пойтахт мақомини олган ва у ҳозирги Ляоян шаҳри ўрнида бўлган. Шаҳар деворининг умумий узунлиги 10,8 км км бўлган. Шаҳар тўртбурчак шаклида қурилган ва унинг ўртасидан дарё кесиб ўтган. Дарёнинг бир томони Император шаҳри, иккинчи томони Хитойлар қишлоғи деб аталган, Шаҳарда буддавийлик, даосчилик ва конфуцийлик ибодатхоналари қурилган. Линьхуанфу Ляо давлатининг марказий шаҳри, асосий пойтахти ҳисобланган.

Гарбий пойтахт Шаньси ҳудудида ва ҳозирги Датун шаҳри ўрнида бўлган. Жанубий пойтахт эса ҳозирги Пекин ўрнида бўлган ва бу шаҳар ҳам 938 йилда пойтахт мақомини олган. Жанубий пойтахт ҳам квадрат шаклида бўлиб, муҳофаа деворларининг умумий узунлиги 14,4 км, яъни ҳар бир томонининг узунлиги 3,5 км бўлган.

Ляо империясининг Ички Мўғулистонда жойлашган Ўрта пойтахти Дадинфу (Даминчен шаҳар ёдгорлиги) 1007 йилда бунёд этилган ва у ҳозирги Нинчэн шаҳри ўрнида бўлган. Шаҳар уч қисмдан: Ташқи, Ички ва Шоҳ шаҳарларидан иборат бўлган. Ташқи шаҳар деворининг узунлиги 15 км (4200 x 3500 м) бўлиб, у 1470 га майдонни эгаллаган. Ташқи шаҳарнинг ичида 300 га майдонни эгаллаган, деворларининг узунлиги 7 км бўлган тўртбурчак шаклидаги Ички шаҳар жойлашган. Ички шаҳарнинг марказида эса томонлари 1000 x 1000 м бўлган, квадрат шаклидаги Шоҳ шаҳри жойлашган (Крадин, Ивлиев 2018: 179). Шаҳарлар номларининг ўзиёқ бу шаҳарни иерархик тизимни назарда тутган ҳолда бунёд этилганлигини кўрсатади.

Диданфу шаҳри тузилишидаги иерархик хусусиятни Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг ҳам уч қисмли тузилишига тадбиқ этсак бўлади. Ўрта Осиёнинг қадимги, антиқ ва ўрта асрларда ўтрок аҳолиси томонидан бунёд этилган шаҳарлардан фарқли ўлароқ, кўчманчилар томонидан бунёд этилган шаҳар – Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг ҳар бир қатор девори кўчманчилар орасидаги турли иерархик қатламларга мансуб аҳолини бир-биридан ажратиб турган.

Бизга маълумки, квадрат шаклдаги шаҳарлар Монголия ҳудудларида хуннлар давридаёқ қурила бошлаган, Н. Я. Бичуриннинг “милоддан аввалги 81 йилда хуннлар дон сақлаш учун шаҳар қурмокчи бўлишган”лиги тўғрисидаги маълумоти бунинг далилидир.

Монголия ҳудудида хуннлар даврига оид Харалчи Хэрэмгийн балғас шаҳри маълум. Унинг тархи ҳам квадрат шаклда бўлиб, томонлари 200 x 200 м, тўртта томонида тўртта дарвозаси бўлган (Киселев 1957: 92). Мана шу тархга риоя қилинган ҳолда шаҳарлар қуриш анъаналари Уйғур ҳоқонлиги даврида ҳам амалда бўлган. Ҳоқонликнинг энг йирик шаҳарларидан бири – Харухайн-балғаснинг майдони 500 x 500 м, яъни квадрат шаклида бўлиб, тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлган. Ҳоқонликнинг бошқа бир шаҳри Чин-Тологой эса тўғри тўртбурчакли тархга эга бўлган (Киселев 1957: 95–96). Уйғур ҳоқонлигининг пойтахти, Урхун дарёси бўйидаги Хара-балғас шаҳрининг майдони 25 кв.км бўлиб, у квадрат шаклида бунёд этилган юзлаб ҳовлиларнинг жамланмасидан иборат бўлган (Клеменц 1895: 48–59).

Шаҳарсозликнинг квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклдаги шаҳарлар қурилишидаги қадимий анъана ўрта асрлар давригача ҳам сақланиб келган. Чингизхоннинг Урхун дарёси бўйидаги қароргоҳи бўлган Хара-хорин, яъни Қорақурум ҳам айнан квадрат шаклида бўлиб, томонлари 400 x 400 м бўлган. Жаҳонгирнинг меросхўри сифатида тахтга ўтирган Угедей даврида шаҳар ичида хитойлик меъморлар ва қурувчилар томонидан хитойча усулда ҳашаматли са-

ройлар бунёд этилган ва шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетган. Яна бир мўғул шаҳри, XII–XIV асрларга оид Хир-Хира шаҳри ҳам квадрат шаклида бўлган (Древнемонгольские города, 1965: 23–59).

Мўғулларнинг истилочилик юришлари билан шаҳарсозликдаги бу анъана ғарбга ҳам тарқалган. Кейинги асрларда Қашқадарё воҳасида Чингизхон авлодларидан бўлган Чигатой улуси хонлари даврида ҳам худди мана шундай кўчманчилар шаҳарлари сифатида 1318–1326 йилларда Кепакхон томонидан Қарши қалъаси (томонлари 630 x 630 м), 1334–1336 йилларда эса Қозонхон Султон томонидан Занжир Сарой (томонлари 400x400 м) бунёд этилган (3-расм). Занжир Сарой яқинида у билан бир вақтда бунёд этилган Занжир Думалоқ ҳам квадрат шаклига эга бўлиб, томонлари 150 x 150 м, ўртада пишиқ ғиштдан қурилган сарой бўлган (Раимкулов, Султонова 2006: 217–220).

Мана шундай шаҳарлар қурилиши мўғуллар томонидан Олтин Ўрдага ҳам олиб борилган. Олти Ўрданинг биринчи пойтахти Сарой (Сарой ал-Махрус) шаҳри ва унинг атрофларида бунёд этилган ўнлаб катта-кичик мўғуллар саройлари квадрат шаклга эга бўлган каттакон ҳовлиларнинг ўртасида бунёд этилган (Федоров-Давыдов 1981: 229–236, рис.95).

Мўғуллар империяси даврида ҳам уларнинг улуғ хонлари ўзларининг азалий турмуш-тарзи бўлган кўчманчиликдан воз кечмаганлар. Масалан, Угэдей хон ўз вақтининг асосий қисмини мавсумий кўчманчиликда ўтказган. “Унинг баҳордаги манзилгоҳи Қорақурум атрофида бўлса, ёзги, кузги ўтлоқлар Қорақурумдан бир кунлик йўлда жойлашган Усункўл атрофидаги Қушинор, кишлови эса Онгхин” (Рашид ад-Дин 1960: 41)

Н. Шираисининг маълумотига кўра, ҳоқон баҳорда Қорақурумдан шимолда, Дойтин-балғас атрофларида лочин ови билан вақтини чоғ қилган. Ёз бошланиши билан у пойтахтдан жанубга, Хангай тоғларининг салқин жойларига кўчиб ўтган. Қиш тушиши билан Угэдей жанубга, Гоби саҳросига яқин жойларга кўчган. Эрта баҳорда эса давлат ишларини ҳал қилиш учун Қорақурумга қайтиб келган. Шу тариқа у ҳар йили ўртача 450 км йўл босган (Shiraishi 2004: 113–115). Унинг ўғли Гуяохон ҳам ўзининг қисқа муддатли ҳоқонлиги даврида кўчманчиликда кун ўтказган, Мункехон эса доимий равишда кўчиб юрган (Плано Карпини 1957: 153–154, 158).

1260 йилдан бошлаб Хубилайхоннинг Юқори пойтахти Шанду фаолият кўрсатган. Бу шаҳар ҳам уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган бўлиб, ташқи деворининг умумий узунлиги 8800 м (2,2 x 2,2 км). Унинг ичида, бир томони шарқий мудофаа деворига тақалган ҳолда Император шаҳри қурилган. У ҳам квадрат шаклда бўлиб, деворларининг узунлиги 5600 м (1,4 x 1,4 км). Ҳар иккала деворнинг ҳам ташқи юзаларига миноралар қурилган. Император шаҳрининг ичида эса томонлари 606x542 м бўлган Сарой шаҳри жойлашган (Вэй Цзянь 2015: 407). Мана шу пойтахт шаҳарда ҳам унинг бир томонида каттагина текис майдон маҳсус бўш қолдирилган ва унда баҳор ойларида Хубилайхон учун ўтовлар тикилган ва хон бу ўтовларда оила аъзолари билан дам олган.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг квадрат шаклдаги тархи ҳам бежиз бўлмасдан, у қандайдир маънода кўчманчи халқларнинг қадимий диний тасаввурлари, диний қарашлари билан ҳам боғлиқ. Квадрат – бу тўрт томон бўлиб, у дунёнинг шимол, шарқ, жануб ва ғарб томонларини ифодалаган. Марко Полонинг маълумотига кўра, кўчманчи мўғуллар ўтовларининг кириш жойлари ҳамиша жануб томонда бўлган ва кўчманчилар ернинг томонларига алоҳида эътибор билан қараганлар. Тарихдан маълумки, Узоқ Шарқ, Сибир, Мўғулистон ва Олтойда яшаб келган кўчманчилар минг йиллар давомида асосан Қадимги Хитой билан мулоқот ҳамда муносабат юритганлар, қадимий маданият яратган хитойликлардан кўп нарса ўзлаштирганлар ва ўрганганлар. Шунинг учун уларнинг диний дунёқарашларида хитойликларнинг таъсири сезиларли бўлган. Шу сабабли бу халқлар дунёқарашларини бир-бирлари учун яқин бўлган умумий томонларини ўрганиш кўчманчилар дунёсининг диний тасаввурларини ўрганишда

муҳим аҳамият касб этади. Қадимги Хитойда 4 сони квадратни англаган, Хитойда ва Ҳиндистонда квадрат ернинг тимсоли бўлган ва у ернинг тўртта томонини белгилаган. Қадимги Хитойдаги шоҳона императорлар саройлари тўртбурчакли ва квадрат шаклга эга бўлган улкан ҳовлиларнинг ўртасига қурилганлиги, тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлганлиги ҳам мана шунинг натижасидир. Шунинг учун кўчманчи халқларнинг қадимий шаҳарлари албатта уларнинг минг йиллик кўшниси Хитойнинг ўтроқ шаҳарларига ва шаҳарларидаги улкан саройларига тақлид тарзда қурилганлигига шубҳа билдириш ноўрин.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг ташқи учинчи мудофаа деворининг бир чеккасигина топилганлиги сабабли, бу деворда нечта дарвоза бўлганлиги ва улар деворнинг қайси қисмида жойлашганлиги номаълум. Қиёслаш учун манбаларга эътибор қаратсак, улардан бири – шарқий Мўғулистондаги Керулен дарёсининг Мурен дарёсига қуйилиш жойида жойлашган тўртбурчакли тархга эга бўлган Зуун-хэрэм қалъасида, ундан 2 км масофада жойлашган, квадрат шаклдаги Баруун-хэрэм шаҳрида ҳам тўртта дарвозадан келиб, шаҳарни тўртта бўлиб ўтган кўчалар марказда кесишганлар (Крадин, Ивлиев 2018: 188). Мўғулистондаги яна бир шаҳар Харбухин-балғасни ҳам тархи квадратга яқин бўлиб, майдони 42–44 га. Бу шаҳарни ҳам ўртасидан ҳоч шаклидаги кўчалар кесиб ўтиб, шаҳарни тўртта бўлган. Бу кўчалар шаҳарни тўрт томонида, ўрта қисмида жойлашган дарвозаларга олиб чиққанлар. Шаҳар деворларининг ташқи томонида жами 30 та минора-бурж бўлган (Крадин, Ивлиев 2018: 190). Мана шу қиёсий манбаларга асосланган ҳолда фикр юритиб, Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг ташқи учинчи мудофаа деворининг ҳам тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлганлигини, деворларининг ташқи юзларида миноралар жойлашганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Мўғулистондаги яна машҳур ва энг йирик шаҳар бу – Чинтолғой –балғас бўлиб, унинг майдони 1256 x 655 м (82,8 га), тўғри тўртбурчак шаклида, шарқий ва ғарбий деворларида иккитадан, жанубий деворида битта дарвозаси мавжуд бўлган. Дарвозаларни тўғри кўчалар боғлаб турган ва улар шаҳарни етти қисмга ажратганлар.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг юечжиларга тегишли эканлигини кўрсатувчи асосий жиҳат – шаҳарнинг юечжиларнинг азалий ватани Жанубий Сибир, Олтой ва Мўғулистон ҳудудларида минг йиллар давомида шаҳарларнинг ва қароргоҳларнинг деярли ўзгармасдан келган улкан квадрат шаклдаги тарх-планировкасидир. Юқорида тилга олинган бу ҳолатни Жанубий Сибир ва Мўғулистондаги ўндан ортиқ қадимий шаҳарлар бош тархида кузатишимиз мумкин. Қолаверса, Ўрта Осиёдаги Чиғатой улуси даврида унинг марказий шаҳарлари Қарши ва Занжир Сарой ҳам худди мана шундай тархга эга.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг меъморий тархи, яъни 225 га текис ва очиқ майдонни девор билан ўраб олиниши бу шаҳар катта миқдордаги аҳолининг яшаши учун мўлжалланганлигининг ўзиёқ Жанубий Суғдга қилинган миграциянинг кўламини тасаввур қилиш имконини беради. Томонлари 1,5 x 1,5 км бўлган шаҳар қурилишининг илдизлари Жанубий Сибир, Олтой ва Мўғулистон ҳудудларига бориб тақалганлиги, бу тарх ўша томонлардан олиб келингани учун юечжилар ўзларининг кишлови бўлган шаҳарни 400 x 400 м бўлган қалъа билан чеклай олмасдилар.

Сима Цяннинг маълумоти тўғри бўлиб, юечжилар сони 400 минг, кўшиннинг сони 100–200 минг бўлса, Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг 225 га майдони 400 минг кишини сиғдириши даргумон, шунинг учун аҳолининг асосий катта қисми шаҳардан ташқаридаги ҳудудларда истикомат қилган бўлса керак. Агар аҳоли сони муболага сифатида 400 минг деб кўрсатилган бўлсада, аслида ундан икки баробар кам бўлганда ҳам, бу ҳудудга кўчиб келганларнинг барчаси бу шаҳарга “тиқилмасдан”, аҳолининг асосий қисми шаҳар атрофидаги катта майдонларда, ҳатто Қашқадарё соҳилларигача бўлган ҳудуддаги ерларга ҳам ўтов тикканлигини тасаввур қилиш мумкин. Мана шу ҳудудда милоддан аввалги даврларга оид археологик ёдгорликлар

нинг деярли йўқлиги, бу кенг ҳудудда ерли, ўтроқ аҳоли жуда сийрак яшаганлигини, бу ерлар асосан кенг яйловлардан иборат бўлганлигини кўрсатади.

Кўчманчиларнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарларининг деярли барчаси учун умумий бўлган хусусият – бу шаҳарлар ҳудудларида маданий қатламларнинг деярли учрамаслигидир. Қалъай Зоҳҳаки Моронда ҳам, Чиғатой даврига оид Занжир Саройнинг марказий тепалиқдан бошқа жойларида ҳам маданий қатламлар кузатилмаган. Чунки ўтовлар тикилган ҳудудларда маданий қатламларнинг пайдо бўлмаслиги табиий, лекин кам миқдорда бўлсада, сопол буюмлар парчалари учрайди. Бу ҳолат қадимий кўчманчилар шаҳарларининг аксарияти учун хос эканлиги бу соҳа мутахассислари томонидан ҳам қайд этилган (Крадин, Ивлиев, Васюткин, 2018, С. 236–237).

В. Н. Ткачевнинг Қорақурум масаласидаги фикрига кўра, фламандлик монах Гельом Рубрук шаҳарни европалик кўзи билан, фақат мудофаа деворлари билан чегараланган қалъа миқёсида кўрган ва кичикроқ шаҳар сифатида тасаввур қилган. Холбуки, Қорқурум шаҳар деворларидан ташқаридаги минглаб ўтовлар тикилган улкан ҳудудни ҳам қамраб олган (Ткачев 1986: 223). Шу аснода фикр юритсак, Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг 225 га бўлган ҳудуди юечжиларнинг 400 минг аҳолисини тахминан ўндан бирини сиғдира олган. Шаҳар майдони унинг мудофаа деворлари билан чегараланган қалъа ташқарисидаги ўн минглаб ўтовлар тикилган текис ва жуда катта ҳудудни қамраб олган. Шунинг учун Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг 225 га майдонни эгаллаган марказий қисми шаҳарнинг тўлиқ майдони эмас, балки ўн минглаб ўтовлар тикилган улкан шаҳар майдонининг марказий қалъаси, Катта Юечжининг “ўрда, ўрду”си сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқ.

Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг 225 га бўлган қалъаси ҳудудида қанча аҳоли яшаган бўлиши мумкин? Агар кўчманчилар ўтовларининг ҳар бирининг атрофида от боғлаш ва турли хўжалик юмушларини бажариш учун камида 20 x 20 м (400 кв.м) майдон керак бўлса, шаҳар марказидаги 16 га майдондаги қалъа, унинг марказида 100 x 60 м майдонни эгаллаган арк, қалъа деворлари ўрнини ва улар орасидаги текис ва бўш майдонларни ҳам ҳисобга олсак, 225 га майдонга кўпи билан 5,5–5,6 минг ўтов жойлашади. Ҳар бир ўтовда ўртача 5–6 киши яшаган бўлса, шаҳар ичида ўртача 30–33 минг одам яшаган ва бу аҳолиси 400 минг ёки ундан камроқ бўлганда ҳам юечжилар аҳолисининг ўндан бирини ташкил қилган. Демак, шаҳар деворлари ичида умумий аҳолининг ўндан бир қисми яшаган. Агар аҳоли сонига нисбат бериб, қалъани шаҳарнинг ўндан бири деб ҳисобласак ёки қалъа майдонини ўнга кўпайтурсак, унда шаҳарнинг умумий майдони 2250 га бўлиб чиқади. Бу ҳолатни аҳолининг иерархик қатлами сонига тадбиқ қилсак, унда Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг 225 га майдонни эгаллаган қалъаси ичида ҳам аҳолининг маълум даражадаги юқори қатламига мансуб бўлган қисми яшаганлиги маълум бўлади. Демак, юечжиларнинг асосий аҳолиси шаҳардан ташқаридаги кенг ҳудудларда яшаган. Қарши воҳасининг чўл ҳудудларида ёки Қашқадарёга яқин ҳудудларда текис ер танқис эмаслигини ҳисобга олсак, ҳар бир ўтов ва унинг атрофидаги унга тегишли (от, туя, эшак бойланадиган) майдон ўртача 350–400 кв.м бўлса, Қашқадарё воҳасидаги юечжилар шаҳрининг умумий майдони тахминан 2250 га атрофида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Майдони бу қадар катта бўлган шаҳарни ҳеч иккиланмасдан Катта Юечжи давлатининг пойтахти сифатида талқин қилиш мумкин. Албатта, юечжилар қишда қишлов учун ёппасига Қалъайи Зоҳҳаки Моронга йиғилишмаган. Уларнинг бутун Суғд бўйлаб, Қашқадарё, Зарафшон дарёларига яқин ҳудудларда уларнинг ўнлаб қишловлари бўлган.

Қалъайи Зоҳҳаки Морон мана шундай улкан, текис ҳудуднинг ўртасида жойлашган. Қолаверса, мана шу пайтда бутун Суғд, унинг ҳатто азим Нурота тоғларигача бўлган ҳудуди ҳам юечжи қабилалари томонидан тўла истило қилинган, унинг барча ҳудудларидаги серўт яйловлар, азим дарёлар, тоғларидан оқиб келувчи юзлаб сойлар, катта ҳудудларда бунёд этилган боғ-роғлар, кат-

та-кичик шаҳарлар, қишлоқлар уларнинг ихтиёрида эди. Шунинг учун юечжи қабилалари бошлиқлари Чжан Цян бошлиқ элчиларга яна бошларини урушлар оловига тикишдан кўра, мана шундай жаннатмонанд жойларда тинчгина яшашни афзал кўришни изхор қилганлар.

Юечжи қабилалар иттифокининг катта бир қисми бўлган гуйшуан қабилалари Жанубий Суғд худудидан ўтиб жанубга йўл олганлар ва Бактрия худудларини эгаллаганлар. Шу тарихқа юечжилар аҳолиси гавжум, ривожланган шаҳарлар ва қишлоқларга, сурунум, серсув ва ривожланган ўтроқ деҳқончилик маданиятига, шу билан бирга беадад текисликларда, тоғолди худудларида ва тоғларида бепоён яйловлари бўлган Ўрта Осиё худудини эгалладилар. Бактрияга қараб йўл олган гуйшуан қабилалари аста секинлик билан ўтроқлашиб, кейинчалик улкан Кушон подшолигига асос солдилар.

Фанда юечжиларнинг Амударё қирғоқларига бориб ўрнашганликлари китобдан китобга, мақоладан мақолага кўчиб келмоқда. Юечжи қабилалар иттифокининг “ябғу”лари, яъни алоҳида қабилалари устида тадқиқот олиб борган франциялик ҳамкасбимиз Ф. Грене ўз тадқиқотида Сюми, Шуанми, Гуйшуан, Сидун ва Гаофу қабилалари яшаган худудларни тўлалигича Бактрия-Тохаристон худудларига жойлаштирган (Грене 2014: 67). Савол туғилади, шимолдан жанубга аста-секинлик билан силжиган улкан қабилалар иттифоқи ноёб табиий иқлимга, “унумдор ерларга эга бўлган” қолаверса, серсув Қашқадарё оқиб ётган Нахшаб воҳасини, Зарафшон ва Ҳисор тоғлари, тоғолди адирликларидаги улкан яйловларни қолдириб ёппасига жанубга Бактрияга кўчиб кетишлари мумкинми, албатта йўқ. Бизнингча, Бактрияга юечжиларнинг гуйшуан қабилаларигина кетганликлари ҳақиқатга яқин. Нахшабда Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг қурилиши юечжилар мана шу юртни ўзларига асосий макон қилиб белгилаганликларидан далолат беради.

Асли кўчманчи бўлган юечжиларнинг қадами албатта Суғднинг, жумладан Жанубий Суғднинг шарқий худудларига ҳам етиб боради. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан Қашқадарёнинг энг йирик ирмоқларидан бири Қизилдарёга қуйиладиган Тирнасой водийсида, Яккабоғ тумани Ўрта қишлоғининг шарқидаги юқори террасасида ҳажми ва кўриниши жиҳатидан худда Лавандоқ мозоркўрғонларига ўхшаб кетадиган 18 та кўрғон аниқланган ва харитага туширилган. Бу мозоркўрғонлар ҳам юечжиларга тегишли бўлиши мумкин. Мозоркўрғонларни кузатган Рустам Сулаймонов-нинг тахминича – “... бу мозоркўрғонлар Юнон-Бактрия давлатини йиқитган кўчманчиларнинг қабрлари бўлса керак”.

Юечжилар ҳужуми оқибатида, ёки ундан аввалроқ даҳлар ҳужуми туфайлими, мил.авв. III–II асрларда Кеш, Қишнинг марказий шаҳри вайронага айланади. Бу шаҳарнинг харобалари бизнинг кунларгача Подаётқоттепа, Узунқир ва Сангиртепа ёдгорликлари мажмуаси сифатида етиб келган. Бу шаҳарни юечжилар вайрон этганларми, ёки улар аввалроқ вайронага айланган шаҳарнинг давоми сифатида Китоб ўрнидаги шаҳарни қурганларми, бу номаълум. Хуллас, мана шу даврда ҳозирги Китоб шаҳри ўрнида янги шаҳар шаклланади. Унинг харобалари бизнинг кунларгача Қаландартепа деб номланадиган йирик археологик ёдгорлик сифатида етиб келган.

Қалъайи Заҳҳаки Морон масаласига қайтадиган бўлсак, шаҳар маълум бир даврда Нахшабнинг ва қолаверса Катта Юечжи давлатининг сиёсий маркази сифатида фаолият кўрсатган. Лекин шаҳарнинг номи нима бўлганлиги, қайси даврдан бошлаб Қалъайи Заҳҳаки Морон деб атала бошлаганлиги, нима учун айнан мана шу ном билан номланганлиги тўғрисида бирор-бир маълумот йўқ.

Энди шаҳарнинг кейинги тақдири тўғрисида фикр юритсак, бизнинг фикримизча, Қалъайи Заҳҳаки Морон ёдгорлиги ўрнидаги қадимий шаҳар уни қурган юечжилар маҳаллий халқ билан ассимиляциялашиб, яъни кўшилиб кетганидан кейин асрлар давомида, тахминан миллодий I–II асрлардан бошлаб аста-секинлик билан ўтроқ халқлар шаҳрига айлана борган. Илк

Ўрта асрлар даврида эса унинг 400x400 м майдонни эгаллаган қисми ва арки йирик қалъа сифатида фаолиятини давом эттирган. Бунинг исботи шуки – кейинги асрларда мудофаа тизмининг иккинчи қурилиш даврида, шаҳарнинг иккинчи мудофаа деворининг ички томонида деворичи коридорлари бўлган девор бунёд этилган. Шуниси қизиқки, бу коридордан мудофаа иншооти сифатида фойдаланишнинг деярли иложи йўқ, чунки коридорнинг ён девори шаҳарнинг иккинчи мудофаа девори бўлиб коридор қурилган пайтдаёқ унинг қалинлиги 9,5 м бўлган (Туребеков 1979: 72). Бу даврга келиб унинг вайронага айлана бошлаган ташқи учинчи мудофаа деворларига эҳтиёж қолмаган ва шунинг учун уларни таъмирлашнинг ҳожати бўлмаган. М. Туребеков маълумотларида ҳам ташқи мудофаа деворининг таъмирланганлиги айтилмаган.

Қалъайи Заҳҳоки Мороннинг иккинчи мудофаа девори чегарасидаги 16 гектарли улкан қалъа Турк ҳоконлиги ва Сосонийлар Эрони ҳарбий иттифоқининг Эфталитлар билан 565 йилда олиб борган уруши ва Эфталитлар империясининг тарих саҳнасида кетиши даврида бу давлатнинг марказий шаҳарларидан бири сифатида, Никшапайа (Нахшаб) шаҳри билан бир пайтда вайронага айланган. Сабаби, худди Ерқўрғондаги каби Қалъайи Зоҳҳоки Моронда ҳам кейинги даврларга оид маданий қатламлар ахён-ахёнда учрасада, мунтазам учрамайди.

Араблар истилоси арафасида эса унинг аркида кичикроқ қаср фаолият кўрсатган ва бу қаср харобалари 1985 йилда ЎзР Фанлар академияси Археология институти ходимлари М. Ҳ. Исомиддинов ва Ш. А. Раҳмоновлар томонидан очилган. Қазималар даврида қасрнинг битта хонаси ва унга туташ иккинчи хонанинг ўртасида тақасимон шаклга эга бўлган меҳроб-алтар топилган (Исамиддинов, Раҳманов 1985). Кейинчалик археологик қазималар ушбу сатрлар муаллифи томонидан давом эттирилган ва яна қўшимча равишда битта коридор, унинг ёнида “тароқсимон-коридорли” усулида қурилган учта хона, битта катта хона ва ҳовлининг бир қисми очиб ўрганилган. Бу меъморий мажмуа биз томонимиздан VII–VIII асрлар билан даврланган (Раимкулов 1992: 7–8). Хуллас, Қарши воҳасида антик даврдан бошлаб Никшапайа (Нахшаб) билан бир вақтда фаолият кўрсатган қадимий улкан шаҳарнинг кейинги тақдири тўғрисида мана шу маълумотлар мавжуд.

Жанубий Суғд худудига кўчманчи, ярим кўчманчи, чорвадор халқларнинг, элатларнинг миграциялари, кўчишлари кейинги асрларда ҳам давом этиб турган бўлсада, уларнинг ҳукмронлиги йилларида кўплаб шаҳарлар ва бошқа иншоотлар қурилган бўлсада, бу қурилишларда айнан кўчманчиларга хос бўлган қурилиш усуллари кўзга ташланмайди. Фақат кўчманчи мўғуллар ҳукмронлиги йилларида қурилган шаҳарлардагина бу усулдан фойдаланилган.

Чингизхон кўшинларининг Ўрта Осиёга ҳужуми бу ўлканинг ўрта асрлар жараёнида бунёд этилган бир неча ўнлаб йирик шаҳарларни тамоман вайронага айлантирди, бир ярим, икки минг йиллик шаҳарсозлик маданияти таназулга учради, оламшумул маданият барҳам топди. Улкан мўғуллар империясининг Ўрта Осиёдаги қисмида ташкил этилган Чиғатой улуси даврида бу давлатнинг кўчманчи ҳукмдорлари нима учундир айнан Қарши воҳасига эътибор қаратганлар ва ўзларининг қароргоҳ-шаҳарларини айнан мана шу юртда барпо этганлар.

1318–1326 йилларда Чиғатой улуси хони Кепакхон даврида Қашқадарёнинг сўл қирғоғига яқин жойда, текисликда ҳукмдорнинг қароргоҳи, улуснинг маркази сифатида Қарши қалъаси бунёд этилган. Бу қалъа қадимий кўчманчилар дунёсида, Уйғур ҳоконлиги даврида қўлланган қурилиш анъаналарига риоя қилинган ҳолда, Чингизхоннинг Қорқурумдаги қароргоҳидан андаза олинган ҳолда квадат шаклида қурилган ва марказига сарой бунёд этилган. Қарши Кепакхон ҳукмронлиги даврида Чиғатой улусининг пойтахти сифатида фаолият кўрсатган.

Қарши қалъаси устидаги археологик-топографик тадқиқотлар 1966 йилда М. Е. Массон раҳбарлигида Кеш археологик-топографик экспедицияси томонидан олиб борилган. Ёдгорликнинг айрим сақланиб қолган харобалари ва маҳаллий аҳоли орасидаги суриштиришлар натижасида Қарши қалъасининг умумий топографик тархи тикланган ва қоғозга туширилган

(2-расм). М. Е. Массоннинг маълумотга қараганда қалъа квадрат шаклда бўлиб, томонлари 630 x 630 м. ва 4,5 қалинликдаги мудофаа девори билан ўралган, тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлган (Массон, 1973). Марказида сарой “ўрда” бунёд этилган.

1326 йилда тахт талашлар натижасида подшоҳ Кепакхон ўлдирилган ва ҳокимият Тармаширин қўлига ўтган. Тармаширин даврида 1333 йилда Қаршига араб сайёҳи Ибн Баттута ташриф буюрган. Сайёҳнинг маълумот беришича, қалъанинг ичи бўм-бўш бўлиб, марказида “ўрду” деб аталадиган сарой бўлган. Лекин саройдан фойдаланилмаган. Подшоҳ Тармаширин Ибн Баттутани қалъа ичида ўрнатилган ҳашаматли шоҳ ўтовидида – “олтин ўтов”да қабул қилган (Ибрагимов 1993: 69-б.).

1334 йилда Тармаширин ҳам ўзи бошлаган тахт талашлар жараёнида ўлдирилади. Пойтахт – улуснинг бошқарув аппарати “хон ўрдаси” давлат тўнтаришини амалга оширган Бўзан томонидан Или дарёси водийсига олиб кетилади.

Кўп ўтмасдан Чигатой улуси тахтига Қозонхон Султон (1335–1347 йиллар) ўтиради. Янги хон хон ўрдасини Или дарёси водийсида Қаршига қайтаради. Лекин нима учундир у ҳокимиятни Қарши қалъасига эмас, балки ундан икки кунлик йўл масофада, Қарши – Бухоро йўлида ўзининг янги қурган қароғоҳи Занжир Саройга жойлаштиради. Занжир Сарой Қозонхон Султон ҳукмронлиги даврида Чигатой улусининг пойтахти сифатида фаолият кўрсатган (Раимқулов 2023: 200-206).

Занжир Сарой харобалари бўлган археологик ёдгорлик Қаршидан 77–78 км масофада, ҳозирги Қашқадарё вилояти Муборак тумани Кўхна шаҳар қишлоғининг ғарб томонида жойлашган.

Занжир Сарой ҳам Қарши каби квадрат шаклда бўлиб, томонлари 400 x 400 м, тўрт томонида тўртта дарвозанинг ўрни бор. Марказида томонлари 70 x 70 м, баландлиги 2–2,5 м, устки юзаси текис бўлган тепалик мавжуд (3-расм) (Раимқулов 1994: 57–58). Марказий тепалик ва мудофаа девори ораси кенг сайхонликдан иборат. Олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида ёдгорлик марказидаги тепалик пишиқ гиштдан қурилган маҳобатли сарой қолдиқлари эканлиги маълум бўлди.

1370 йилда Занжир Сарой Амир Темур қўли остига ўтган ва унинг қароргоҳларидан бирига айланган 1387 йилда Амир Темур Форсда эканлигида унинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланган Олтин Ўрта хони Тўхтамиш ва Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи Бухорога ҳужум уюштирадилар ва мана шу юришда Занжир Сарой вайрон этилади ва ёқиб юборилади. Шу тариқа вайрон этилган Занжир Сарой бошқа тикланмаган.

Қарши ва Занжир Сарой шаҳарларининг квадрат шаклда бунёд этилиши, марказида сарой қурилиши, сарой ва мудофаа деворлари орасида ўтовлар тикилиши учун қолдирилган текис сайхонлик – бу қадимдан кўчманчилар дунёсида уларнинг қишлоқ-шаҳарлари қурилиш усуллариининг қарийб бир ярим минг йил давомида ҳам ўзгармаганлигини, бу эски кўчманчиларга хос бўлган шаҳарсозлик анъаналари кўчманчиларнинг кейинги авлодлар даврида ҳам сақланиб қолинганлигини кўрсатади. Масаланинг энг қизиқарли жиҳати – мил. авв. II асрнинг ўрталарида қурилган кўчманчилар шаҳри Қалъайи Зоҳҳаки Мороннинг ҳам, ундан бир ярим минг йил ўтиб Чигатой улуси даварида кўчманчилар шаҳарлари Қарши ва Занжир Саройнинг ҳам айнан Қашқадарё воҳасида қурилганлигидир. Бу алоҳида, кенг махсус тадқиқот талаб қиладиган илмий мавзу.

Минг афсуски, ушбу мақола сўнггида Қалъайи Заҳҳоки Морон номи билан аталадиган ноёб археологик обиданинг бугунги тақдири аянчли эканлигини айтмасдан иложимиз йўқ. Унинг 1,5 x 1,5 км майдонни эгаллаган ташқи девори қадимдаёқ бузилиб кетган. Лекин 400 x 400 м майдонни эгаллаган иккинчи қатор мудофаа деворининг 200–300 м узунликдаги қисми қалъанинг шарқий ва жанубий қисмларида ўтган асрнинг 70–80 йилларида ҳам бор эди. Ҳозир эса бу девордан ному– нишон қолмаган, ҳатто 200 x 200 м майдондаги учинчи қатор мадофаа девори

хам маҳаллий аҳоли томонидан бузилиб уй–жойлар қурилган ва ҳозир унинг ярми ҳам қолмаган. Хуллас, қадимги дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бирининг қолдиқлари бўлган, бир ярим минг йил давомида бус–бутун турган Қалъайи Заҳхоки Морон ёдгорлиги ўз халқимиз, ўз юртдошларимиз томонидан кўз ўнгимизда вайрон қилиниб бўлди, ҳисоби. Бизнинг эндиги вазифамиз бу улуғ обидани қолган қисмларини бўлса ҳам шундайлигича сақлаб қолишдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Акишев К. А.* Феномен элитарных курганов Северного Тянь-Шаня // Элитные курганы степей Евразии в скифо-сарматскую эпоху: (материалы заседаний круглого стола 22–24 декабря 1994 г. Санкт-Петербург). СПб., 1994. С. 8–11.
- Бартольд В. В.* Греко-Бактрийское государство и его распространение на северо-восток // Сочинения, том II, часть 2. М., 1964. С. 455–460.
- Вэй Цзянь.* Археологическое исследование Верхней столицы (Шанду) династии Юань // Средневековые древности Приморья. Вып. 3. Владивосток, 2015. С. 396–421.
- Грене Ф.* Новые данные к локализации пяти “ябгу” юечжей // Политический фон маршрута купцов Мая Тициана. Археология и история Центральной Азии в трудах французских ученых. Том II. Самарканд, МИЦАИ, 2014. С. 57–69.
- Головинёв А. В.* Феномен колонизации. Екатеринбург: Уральское отделение Российской академии наук, 2015. 593 с.
- Грязнов М. П.* Первый Пазырыкский курган. Ленинград: Изд-во Государственного Эрмитажа 1950. 114 с.
- Дашковский П. К.* Формирование элиты кочевников Горного Алтая в скифскую эпоху // Социогенез в Северной Азии: сб. науч. тр. / Под ред. А. В. Харинского. Иркутск, 2005. С. 239–244.
- Дашковский П. К.* О сакрализации правителей государственных образований кочевников Центральной Азии // Древние кочевники Центральной Азии (история, культура, наследие). Улан-Удэ, 2005. С. 63–67.
- Дашковский П. К.* Религиозная политика и служители культа в Кыргызском каганате. Вестник Новосибирского государственного университета // Сер.: История, филология. 2009. Вып. 5: Археология и этнография. С. 199–208.
- Дашковский П. К., Мейкишан И. А.* Динамика признаков элиты и формирование религиозно-идеологического комплекса власти у кочевых народов Центральной Азии: к постановке проблемы // Древние культуры Монголии и Байкальской Сибири: Материалы Международной научной конференции / Под общ. ред. А. В. Харинского. Иркутск, 2011. С. 316–323.
- Доржсурэн Ц.* Раскопки могил хунну в горах Ноин-ула на реке Хуни-гол (1954–1957 гг.) // Монгольский археологический сборник. М.: 1962. С. 36–44.
- Древнемонгольские города* / Отв. ред. С. В. Киселёв. М.: Наука, 1965. 372 с.
- Зимин Л.А.* Нахшеб. Несеф. Карши. Их история в древности. В.В.Батольд. Туркестанские друзья, ученики и почитатели / Под ред. А. Э. Шмидта, Е. К. Бетгера. Ташкент, 1927. С. 197–214.
- Ибрагимов Н.* Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати // Тошкент: Шарқ баёзи нашриёти, 1993. 104 б.
- Исамиддинов М. Х., Рахманов Ш. А.* Предварительное исследование цитадели городища Калаи Захоки Морон // Тезиси докладов конференции «Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии» Ташкент: Фан, 1985. С. 27–28.
- Кабанов С. К.* К вопросу о столице кидаритов // ВДИ, 1953. №2. С. 201–207.
- Киселев С. В.* Древние города Монголии // Советская археология, 1957. №2. С. 91–101.
- Клементц Д. А.* Археологические поездки в Среднюю Монголию в 1891 // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. II, СПб, 1895. С. 1–74.
- Крадин Н. Н., Ивлиев А. Л.* Города империи Ляо // Города средневековых империй Дальнего Востока. М., 2018. С. 169–202.
- Лерши П.* Оборона эллинистического города Айханум // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Античность, раннее средневековье. Материалы советско-французского коллоквиума (Самарканд 1986) / Под ред. Г. А. Пугаченковой, А. А. Аскарлова. Ташкент, 1987. С. 68–72.
- Марсадолов Л. С.* Социальные ранги курганов кочевников Алтая VI–IV вв. до н. э. Социально-экономические структуры древних обществ Западной Сибири // Материалы Всероссийской научной конференции. Барнаул, 1997. С. 96–99.
- Массон В. М.* Развитие элитарных структур как прогрессивный феномен скифской эпохи // Элитные курганы степей Евразии в скифо-сарматскую эпоху: (материалы заседаний круглого стола 22–24 декабря 1994 г. Санкт-Петербург). СПб., 1994. С. 1–7.

- Массон М. Е.* Столичные города в области низовьев Кашкадарьи с древнейших времен (Из работ Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (1965–1966 гг.). Ташкент: Фан, 1973. 101 с.
- Обельченко О. Г.* Лявндакский могильник // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 2. Ташкент: Фан, 1961. С. 97–176.
- Плано Карпини.* История Монгалов. Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука // М., 1957. 272 с.
- Пырин В. А.* Предварительные результаты изучения квартала металлостроителей Еркургана // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 24. Ташкент: Фан, 1990. С. 121–125.
- Пырин В. А.* Раскопки отдельного хозяйства ремесленника-металлиста в Еркургане // Археологические работы на новостройках Узбекистана. Ташкент, 1990. С. 113–118.
- Раимқулов А. А.* Занжир Сарой – Чигатой улуси маркази // Города на Великом Шелковом пути. Маърузалар матни. Самарканд, 1994. 57–58 б.
- Раимқулов А. А.* Жанубий Суғднинг VIII–XIV асрлар даври тарихий топографияси // Тарих фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарканд, 2018. 80 с.
- Раимқулов А. А.* Занджир Сарай – последний город-столица Чагатайского улуса // Кочевой мир Центральной Евразии в древности и средневековье (II–III Мажитовские чтения). Материалы Международной научно-практической конференции. Уфа, 2023. С. 200–206
- Раимқулов А. А., Султанова Д. Н.* Города и селения монгольского и тимуридского времени в долине Кашкадарьи (археологическое изучение, интерпретация, локализация) // Материалы международного симпозиума «Цивилизации скотоводов и земледельцев Центральной Азии». Самарканд-Бишкек, 2005. С. 215–225.
- Рашид-ад-дин.* Сборник летописей. Т. II. М.–Л., 1960. 213 с.
- Ртвеладзе Э. В.* Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии // Ташкент, 2005.
- Савинов Д. Г.* Система социально-этнического подчинения как фактор развития раннесредневековых обществ Центральной Азии и Южной Сибири // Историография и источники изучения исторического опыта освоения Сибири. ТД Всесоюз. научн. конф. Вып. 1. Новосибирск: ИИФФ СО АН СССР, 1988. С. 83–84.
- Савинов Д. Г.* Система социально-этнического подчинения в истории кочевников Центральной Азии и Южной Сибири // Монгольская империя и кочевой мир. Кн. 2. Улан-Удэ: Изд-во Бурятского НЦ СО РАН, 2005. С. 31–43.
- Судейманов Р. Х.* Древний Нахшаб / Отв. ред. Э. В. Ртвеладзе. Самарканд-Ташкент, 2000.
- Сыма Цянь.* Исторические записки. Том I. М.: Восточная литература, 2001. 415 с.
- Ткачёв В. Н.* Каракорум в XIII веке. Mongolia: Памяти академика Б. Я. Владимирцова (1884—1931) // Сборник статей. М., Наука, 1986. С. 219–231.
- Туребеков М.* Археологическое изучение оборонительных сооружений городища Калаи-Зохак-Марон // История материальной культуры Узбекистана. Вып. 15. Ташкент: Фан, 1979. С. 68–75.
- Федоров-Давыдов Г. А.* Монгольское завоевание и Золотая Орда // Степи Евразии в эпоху средневековья. Археология СССР. М., Наука, 1981. С. 229–236.
- Фирдавсий, Абулқосим.* Шохнома. Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2018. 700-б.
- Ходжаев А.* Из истории древних тюрок (сведения китайских источников). Алматы: Муравей, 2011. 274 с.
- Abdullaev K.* Nomad Migration in Central Asia // Proceedings of the British Academy 133. The British Academy 2007. PP. 73–98
- Lin Hu.* Perceptions of Liao urban landscapes. Political practices and nomadic empires // Archaeological Dialogues. Published online by Cambridge University Press: 26 October 2011. Vol. 18, No 2. PP. 223–243.
- Shiraishi N.* Seasonal migrations of the Mongol emperors and the peri-urban Area of Kharakorum // International Journal of Asian Studies. 2004. Vol. 1, № 1. PP. 105–119.

REFERENCES:

- Akishev K. A. 1994. *Fenomen elitarnykh kurganov Severnogo Tyan-Shanya (The phenomenon of elite mounds of the Northern Tian Shan)*. In *Elitnye kurgany stepey Evrazii v skifo-sarmatskuyu epokhu (Elite mounds of the Eurasian steppes in the Scythian-Sarmatian era)*. Materialy zasedaniy kruglogo stola 22–24 dekabrya 1994 g., Sankt-Peterburg, 8–11. (In Russian).

- Bartold V. V. 1964. *Greko-Baktriyskoe gosudarstvo i ego rasprostranenie na severo-vostok (The Greco-Bactrian state and its spread to the north-east)*. Vol. II, part 2. Moscow, 455–460. (In Russian).
- Vey Tsyuan. 2015. Artemyeva N. G. (ed.). *Arkheologicheskoe issledovanie Verkhney stolitsy (Shandu) dinastii Yuan (Archaeological study of the Upper capital (Shangdu) of the Yuan dynasty)*. In *Srednevekovye drevnosti Primorya (Medieval antiquities of Primorye)*. Issue 3. Vladivostok, 396–421. (In Russian).
- Grene F. 2014. *Novye dannye k lokalizatsii pyati "yabgu" Yuechjey. Politicheskii fon marshruta kuptsov Maya Titsiana. (New data on the localization of the five "yabgu" of the Yuezhi. Political background of the route of the merchants of May Titian)*. In *Arkheologiya i istoriya Tsentralnoy Azii v trudakh frantsuzskikh uchenykh*. Vol. II. Samarkand, 57–69. (In Russian).
- Golovnyov A. V. 2015. *Fenomen kolonizatsii (The phenomenon of colonization)*. Ekaterinburg, Uralskoe otdelenie Rossiyskoy akademii Nauk Publ., 593.
- Gryaznov M. P. 1950. *Pervyy Pazyrykskiy kurgan (The first Pazyryk mound)*. Leningrad, Gosudarstvennuy Ermitaj Publ., 114 (In Russian).
- Dashkovskiy P. K. 2005. Kharinskiy A.V. (ed.). *Formirovanie elity kochevnikov Gornogo Altaya v skifskuyu epokhu (Formation of the nomadic elite of the Altai Mountains in the Scythian era)*. In *Sotsiogenez v Severnoy Azii: sb. nauch. tr. (Sociogenesis in Northern Asia: collection of scientific works)*. Irkutsk, 239–244. (In Russian).
- Dashkovskiy P. K. 2005. *O sakralizatsii praviteley gosudarstvennykh obrazovaniy nomadov Tsentralnoy Azii (On the sacralization of the rulers of state formations of nomads of Central Asia)*. In *Drevnie kochevniki Tsentralnoy Azii (istoriya, kultura, nasledie) (Ancient nomads of Central Asia (history, culture, heritage))*. Ulan-Ude, 63–67. (In Russian).
- Dashkovskiy P. K. 2009. *Religioznaya politika i slujiteli kulta v Kyrgyzskom kaganate (Religious politics and clergy in the Kyrgyz Kaganate)*. In *Vestnik Novosibirskogo gosudarstvennogo universiteta (Bulletin of Novosibirsk State University)*. Seriya: Istoriya, filologiya (Series: History, philology). *Arkheologiya i etnografiya (Archeology and ethnography)*. Issue 5. Novosibirsk, 199–208. (In Russian).
- Dashkovskiy P. K., Meykshan I. A. 2011. Kharinskiy A. V. (ed.). *Dinamika priznakov elity i formirovanie religiozno-ideologicheskogo kompleksa vlasti u kochevykh narodov Tsentralnoy Azii: k postanovke problemy (The dynamics of the characteristics of the elite and the formation of a religious-ideological complex of power among the nomadic peoples of Central Asia: towards the formulation of the problem)*. In *Drevnie kultury Mongolii i Baykalskoy Sibiri: mat. mejdunar. nauch. konf. (Ancient cultures of Mongolia and Baikal Siberia: materials of the international scientific conference)*. Irkutsk, 316–323. (In Russian).
- Dorjsuren Ts. 1962. *Raskopki mogil khunnu v gorakh Noin-ula na reke Khuni-gol (1954-1957 gg.) (Excavations of Xiongnu graves in the Noin-ula mountains on the Huni-gol river (1954-1957))*. In *Mongolskiy arkheologicheskii sbornik (Mongolian archaeological collection)*. Moscow, 36–44. (In Russian).
- Drevnemongolskie goroda (Ancient Mongolian cities). 1965. Kiselev S.V. (ed.). Moscow, Nauka Publ., 372
- Zimin L. A. 1927. Smidt A. E., Betger E. K. (ed.) *Nakhsheb. Neseif. Karshi. Ih istoriya v drevnosti. V.V.Batoldu. Turkestanskiye druzya, ucheniki i pochitateli (Nakhsheb. Neseif. Karshi. Their history in ancient times. V.V.Batold. Turkestan friends, students and admirers)* Tashkent, 197–214. (In Russian).
- Ibragimov N. 1993. *Ibn Battuta va uning O'rta Osiyoga sayohati (Ibn Battuta and his journey to Central Asia) (Ibn Battuta and his journey to Central Asia)*. Tashkent: Sharq bayozy Publ., 104. (In Uzbek).
- Isamiddinov M. Kh., Rakhmanov Sh. A. 1985. *Predvaritelnoe issledovanie tsitadeli gorodisha Kalai Zakhoki Moron (Preliminary study of the citadel of the settlement Kalai Zahoki Moron)* In *Tezisi dokladov konferentsii «Tvorcheskoe nasledie narodov Sredney Azii v pamyatnikakh iskusstva, arkhitektury i arkheologii (Abstracts of the conference "Creative heritage of the peoples of Central Asia in monuments of art, architecture and archeology)*. Tashkent: Fan Publ., 27–28. (In Russian).
- Kabanov S. K. 1953, *K voprosu o stolitse kidaritov (On the question of the capital of the Kidarites)*. In *VDI (Vestnik drevney istorii)*. No. 2. Moscow, 201–207. (In Russian).
- Kiselev S. V. 1957. *Drevnie goroda Mongolii (Ancient cities of Mongolia)* In *Sovetskaya arkheologiya (Soviet archeology)*. No. 2. Moscow: Academy of Sciences Publ., 1957, 91–101. (In Russian).
- Klements D. A. 1895. *Arkheologicheskie poezdki v Srednyuyu Mongoliyu v 1891 (Archaeological trips to Central Mongolia in 1891)*. In *Sbornik trudov Orkhonskoy ekspeditsii (Collection of works of the Orkhon expedition)*. Issue II, St. Petersburg, 1–74.
- Kradin N. N., Ivliev A.L. 2018. *Goroda imperii Lyao (Cities of the Liao Empire)*. In *Goroda srednevekovykh imperiy Dalnego Vostoka (In the book "Cities of medieval empires of the Far East")*. Moscow, 169–202. (In Russian).

- Lerish P. 1987. Pugachenkova G. A., Askarov A. A. (ed.) *Oborona ellinisticheskogo goroga Ayhanum (Defense of the Hellenistic city of Aykhanum)*. In *Gorodskaya kultura Baktrii-Toxaristana i Sogda. Antichnost, rannee srednevekovye (Samarkand 1986)*. (*Materials of the Soviet-French colloquium (Samarkand 1986)*). Tashkent, 68–72. (In Russian).
- Marsadolov L. S. 1997. *Sotsialnye rangi kurganov kochevnikov Altaya VI–IV vv. do n.e. Sotsialno-ekonomicheskie struktury drevnikh obsshestv Zapadnoy Sibiri (Social ranks of mounds of Altai nomads of the VI–IV centuries. BC. Socio-economic structures of ancient societies of Western Siberia)*. In *Materialy Vserossiyskoy nauchnoy konferentsii (Materials of the All-Russian Scientific Conference)*. Barnaul, 96–99. (In Russian).
- Masson V. M. 1994. Alekseev A. Yu. (ed.) *Razvitie elitarnykh struktur kak progressivnyy fenomen skifskoy epokhi (Development of elite structures as a progressive phenomenon of the Scythian era)* In *Elitnye kurgany stepey Evrazii v skifo-sarmatskuyu epokhu: (materialy zasedaniy kruglogo stola 22–24 dekabrya 1994 g. Sankt-Peterburg)* (*Elite mounds of the Eurasian steppes in the Scythian-Sarmatian era: (materials of round table meetings on December 22–24, 1994, St. Petersburg)*). St. Petersburg, 1–7. (In Russian).
- Masson M. E. 1973. *Stolichnye goroda v oblasti nizovev Kashkadari s drevneyshikh vremen (Iz rabot Keshskoy arkhologo-topograficheskoy ekspeditsii TashGU (1965–1966 gg.)) (Capital cities in the lower reaches of the Kashkadarya since ancient times (From the works of the Kesh archaeological and topographical expedition of the Tashkent State University (1965–1966))*. Tashkent Fan Publ., 101. (In Russian).
- Obelchenko O. G. 1961. Shishkin V.A. (ed.) *Lyavandakskiy mogilnik (Lyavandak burial ground)*. In *Istoriya materialnoy kultury Uzbekistana (History of material culture of Uzbekistan)*. Issue 2. Tashkent, Fan, 97–176. (In Russian).
- Plano Karpini. 1957. *Istoriya Mongalov. Puteshestviya v vostochnye strany Plano Karpini i Rubruka (History of the Mongols. Travels to the eastern countries of Plano Carpini and Rubruk)*. Moscow, 272. (In Russian).
- Pyrin V. A. 1990. *Predvaritelnye rezultaty izucheniya kvartala metallistov Yerkurgana (Preliminary results of the study of the Yerkurgan metalworkers' quarter)* In *Istoriya materialnoy kultury Uzbekistana (History of material culture of Uzbekistan)*. Issue. 24. Tashkent, Fan, 121–125. (In Russian).
- Pyrin V. A. 1990. *Raskopki otdelnogo khozyaystva remeslennika-metallista v Yerkurgane (Excavations of a separate farm of a metalworker in Yerkurgan)*. In *Arheologicheskie raboty na novostroykakh Uzbekistana (Archaeological work on new buildings in Uzbekistan)*. Tashkent, 113–118. (In Russian).
- Raimkulov A. A. 1994. *Zanjir Saroy – Chig'atoy ulusi markazi (Zanjir Sarai – the center of the Chagatai ulus)*. In *Goroda v Velikom Shelkovom puti (Cities on the Great Silk Road)*. Abstracts of reports. Samarkand, 57–58. (In Uzbek).
- Raimkulov A. A. 2018. *Jamubiy Sug'dning VIII-XIV asrlar davri tarixiy topografiyasi (Historical topography of Southern Sogd of the 8th-14th centuries) Tarikh fanlari doktori (DSc) dissertatsiyasi avtoreferati (Abstract of the dissertation of Doctor of Historical Sciences (DSc))*. Samarkand, 80. (In Uzbek).
- Raimkulov A. A. 2023. *Zandjir Saray – posledniy gorod-stolitsa Chagatayskogo ulusa (Zanjir Saray – the last capital city of the Chagatai ulus)*. In *Kochevoy mir Tsentralnoy Evrazii v drevnosti i srednevekovye (II–III Majitovskie chteniya)*. (*The nomadic world of Central Eurasia in antiquity and the Middle Ages (II–III Mazhitov readings)*). *Materialy Mejdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii (Materials of the International Scientific and Practical Conference)*. Ufa, 200–206. (In Russian).
- Raimkulov A. A., Sultanova D. N. 2005. *Goroda i seleniya mongolskogo i timuridskogo vremeni v doline Kashkadari (arkheologicheskoe izuchenie, interpretatsiya, lokalizatsiya) (Cities and villages of the Mongol and Timurid times in the Kashkadarya valley (archaeological study, interpretation, localization)* In *Materialy mejdunarodnogo simpoziuma «Tsivilizatsii skotovodov i zemledeltsev Tsentralnoy Azii» (Materials of the international symposium “Civilizations of pastoralists and farmers of Central Asia)*. Samarkand – Bishkek, 215–225. (In Russian).
- Rashid-ad-din. 1960. *Sbornik letopisey (Collection of chronicles)*. Vol. II. Moscow–Leningrad, 213. (In Russian).
- Rtveladze E. V. 2005. *Tsivilizatsii, gosudarstva, kultury Tsentralnoy Azii (Civilizations, states, cultures of Central Asia)*. Tashkent, 288. (In Russian).
- Savinov D. G. 1988. *Sistema sotsialno-etnicheskogo podchineniya kak faktor razvitiya rannesrednevekovykh obshchestv Tsentralnoy Azii i Yujnoy Sibiri (The system of socio-ethnic subordination as a factor in the development of early medieval societies of Central Asia and Southern Siberia)*. In *Istoriografiya i*

istochniki izucheniya istoricheskogo opyta osvoeniya Sibiri (Historiography and sources of studying the historical experience of the development of Siberia). Abstracts of reports of the All-Union. scientific conference. Issue. 1. Novosibirsk, 83–84. (In Russian).

- Savinov D. G. 2005. *Sistema sotsialno-etnicheskogo podchineniya v istorii kochevnikov Tsentralnoy Azii i Yujnoy Sibiri (The system of socio-ethnic subordination in the history of the nomads of Central Asia and Southern Siberia) Mongolskaya imperiya i kochevoy mir (The Mongol Empire and the nomadic world)*. Book 2. Ulan-Ude, Buryat National Center of the Siberian Branch of the Russian Academy of Sciences Publ., 31–43. (In Russian).
- Suleymanov R. Kh. 2000. In Rtveladze E. V. (ed.) *Drevniy Nakhshab (Ancient Nakhshab)*. Samarkand-Tashkent: Fan, 545. (In Russian).
- Syma Tsyuan. 2001. *Istoricheskie zapiski (Historical notes)*. Vol. I. Moscow, Vostochnaya literatura, 415
- Tkachyov V. N. 1986. *Karakorum v XIII veke. Mongolica: Pamyaty akademika B. Ya. Vladimirtseva (1884–1931) (Karakorum in the 13th century. Mongolica: In memory of academician B. Ya. Vladimirtsov (1884–1931))*. Moscow, Nauka Publ., 219–231. (In Russian).
- Turebekov M. 1979. *Arkheologicheskoe izuchenie oboronitelnykh sooruzheniy gorodisha Kalai-Zohkaki-Maron (Archaeological study of defensive structures of the Kalai-Zohaki-Maron settlement)*. IMKU (*Istoriya materialnoy kultury Uzbekistana (History of material culture of Uzbekistan)*) Vol. 15. Tashkent, Fan Publ., 68–75. (In Russian).
- Fedorov-Davydov G. A. 1981. *Mongolskoe zavoevanie i Zolotaya Orda (Mongol conquest and the Golden Horde). Stepi Evrazii v epokhu srednevekovya (Steppes of Eurasia in the Middle Ages)*. *Arkheologiya SSSR (Archeology of the USSR)*. Moscow, Nauka, 229–236. (In Russian).
- Khodjaev A. 2011. *Iz istorii drevnikh tyurkov (svedeniya kitayskikh istochnikov) (From the history of the ancient Turks (information from Chinese sources))*. Almaty, Muravey Publ., 274. (In Russian).
- Firdausiy, Abulqosim. 2018. Mirtimir (ed.) *Shohnoma (Shahnama)*. Tashkent, National Encyclopedia of Uzbekistan Publ., 700. (In Uzbek).
- Abdullaev K. 2007. *Nomad Migration in Central Asia. Proceedings of the British Academy* 133. The British Academy, 73–98
- Lin Hu. 2011. *Perceptions of Liao urban landscapes. Political practices and nomadic empires// Archaeological Dialogues*. Published by Cambridge University Press: 26 October. Vol. 18, No 2. 223–243. (In English).
- Shiraishi N. 2004. *Seasonal migrations of the Mongol tperors and the peri-urban Area of Kharakorum. In International Journal of Asian Studies*. Vol. 1, № 1. 105–119. (In English).
-

KALAI ZOHKHAKI MORON – A NOMADIC CITY OF SOUTHERN SOGD

© 2024. **Abdisabur Raimkulov**

Samarkand Archaeological Institute named after. Ya. Gulyamov

Key words: Kalai Zohkhaki Moron, Yuezhi, Southern Sogd, capital, Karshi, Zanjir Saray, nomadic cities.

In this paper, the author seeks to highlight the monuments of Kalai Zohkhaki Moron, Karshi Fortress and Zanjir Saray spanning different historical periods and located in southern Sogd (Kashkadarya oasis of Uzbekistan), nomadic cities. Kalai Zohkhaki Moron is a large, square-shaped monument featuring an outer wall with sides measuring 1.5 by 1.5 km. Within this, there is a second wall at the center, with sides of 400 by 400 m, and an inner wall with sides of 200 by 200 m. At the core of these structures lies a square-shaped fortress. According to the author, Kalai Zohkhaki Moron was built in the 2nd Century BC as the capital of the Yuezhi dynasty. Later, the capital was moved to a place near Peshawar. Then, during the Chigatay State, in 1318–1326 years, the city of Karshi was built in the Kashkadarya Oasis with sides of 630 x 630 m and a palace in the center. During the Chigatay, the city served as the capital of this state. Between 1334 A.D. and 1340 A.D. years, another city was built in the Kashkadarya Oasis. This city is Zanjir Saray with sides 400 x 400 m, with a palace in the center. Kalai Zohkhaki Moron, Karshi Fortress and Zanjir Saray are important in Central Asia as they are the unique nomadic cities that preserved in the Kashkadarya Oasis.